БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 296 (17.876). • 28 декабрь 1980 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА!

Катта меҳнат ғалабаси

НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети сизларни катта меҳнат ғалабаси — пудрат ишлари ва асосий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ўнинчи беш йиллик плани топшириқлари муддатидан илгари бажарилганлиги билан самимий қутлайди.

Унинчи беш йиллик мобайнида сизлар Сибирь, Қозоғистон, Коми АССР, мамлакатнинг бошқа районларидаги нефть ва газ конларини ускуналаб, ишга тайёрлаш, катта-катта қувур магистраллар, газни қайта ишлайдиган заводлар қуриш борасидаги улкан тармоқ вазифаларини ҳал этдингизки, булар мамлакат ёқилғи-энергетика комплексини янада ривожлантиришга, КПССнинг XXV съезди белгилаб берган социал вазифаларни ҳал этишга қўшилган муҳим ҳиссадир.

Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми тўққизинчи беш йилликка нисбатан 36 процент. Ғарбий Сибирда эса 2,3 баравар кўпайди, 50 минг километр қувур, 300 тадан кўп компрессор станциялари ва насос станциялари, жами қуввати йилига 15,6 миллиард кубометрга борадиган газни қайта ишлаш заводлари ишга туширилди.

Сизлар эришган муваффақиятлар — қувур транспорт системаларини қуриш ва кийин табиий иқлим шароитларида конларни ускуналаб ишга тайёрлаш борасида олдингизда турган мураккаб вазифаларни ҳал этишга новаторларча ёндашув натижасидир.

Келгуси беш йилликда нефть саноати ва айниқса газ саноати, қувур транспорти қувватларини кўпайтириш, уларнинг эксплуатацион пухталигини ошириш борасида янада масъулиятли вазифаларни ҳал этишингиз лозим.

Министрлик ташкилотлари ва корхоналарининг меҳнаткашлари партиянинг Ватан иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш соҳасидаги режаларини амалга ошириш учун бундан буён ҳам астойдил курашадилар, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оладилар деб қатъий ишонч билдираман.

Азиз ўртоқлар, сизларга меҳнатда янгидан-янги ғалабалар, ўн биринчи беш йилликда муваффақиятли ишлаш, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ҲОСИЛ БУНЁДКОРЛАРИ

1980 йил — ўнинчи беш йилликнинг тугалловчи йили охиригача саноқли кунлар қолди. Қишлоқ меҳнаткашлари учун ўнинчи беш йиллик қизғин иш билан, дала ва фермалар маҳсулотк етиштиришни кўпайтириш учун кураш билан ўтган давр бўлди. Ғаллачилик хўжалигини ривожлантиришда янги қадам қўйилди. Донининг ўртача йиллик ҳосили биринчи марта 200 миллион тоннадан ошиб кетди, пахта, бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик экинлари тайёрлаш кўпайди.

Мана шу ютуқларда мутахассисларнинг, даставвал мўл ҳосил бунёдкорлари — агрономларнинг хизмати оз эмас. Агрономлар мамлакатимизда муносиб равишда ҳурмат-эҳтиромга сазовордирлар. Кургандаги «Завети Ленина» колхозининг дала агрономи икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. С. Мальцевнинг номи совет кишиларига яхши маълум. Е. Селиверстова, Д. Письменний, Б. Тургунов, А. Пак, М. Карпович, Г. Тертерашвили каби агрономлар ва бошқа кўпгина дала ходимларининг меҳнати мўл-кўл ҳосил, юксак деҳқончилик маданияти билан шарафланди. Қозоғистон, Ставрополь ўлкаси, Кубань, Бошқирдистон, Оренбург, Омск, Харьков, Днепропетровск ва Запорожье областларини ғаллакорларининг, колхоз ва совхозлари агрономия хизматларининг фидокорона ишлари дон етиштириш ва тайёрлашни анча кўпайтириш имконини берди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг яқинда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ агрономлар кенгаши қатнашчиларига йўллаган табрикномасида бундай дейилади: «Совет ҳокимияти йиллари мобайнида юқори малакали қишлоқ хўжалик мутахассисларининг кўп сонли отряди тарбиялаб вояга етказилди. Ватан уларнинг шонли ишлари билан ҳақли равишда фахрланади. Партия мутахассисларни ўз аграр сиёсатини амалга оширишда ишончли таянч деб билади. Совет халқи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий воситаси, ижтимоий бойлигининг ғоят муҳим манбаи — ер тўғрисида ғамхўрлик қилишни агрономларга ишонч топширди. Зотан, агрономнинг ҳар гектар экинзорни, ўтлоқлар, яйловларни асраш ва улардан авайлаб фойдаланишдан, ана шу ерларнинг унумдорлигини оширишдан кўра масъулиятлироқ иши йўқ».

Саксонинчи йиллар қишлоқ хўжалигида сифат жиҳатидан янги ўзгаришлар, унинг экономика бошқа тармоқлари билан алоқаларн чуқурлашадиган, мамлакатни озиқ-овқат ва хом ашё билан таъминлашн лозим бўлган агросаноат комплексини янада ривожлантириш даври бўлади. Ўн биринчи беш йилликда кўпгина ишларни бажаришга тўғри келади. Дала ва фермалар маҳсулотнинг ўртача йиллик ҳажми 12—14 процент ортади. Интенсивлаш йўли билан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги, меҳнат унумдорлиги анча ортади.

Ана шу вазифаларни ҳал этишда қишлоқ мутахассислари ғоят катта роль ўйнайди. Ҳаёт агрономлардан тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш соҳасида конкрет, тобора чуқур ва планли равишда иш олиб боришларини талаб этмоқда. Самарадорлик ва сифат масалаларига эътиборни кучайтириш, тобора ошган иқтисодий потенциалдан оқилона фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, деҳқончиликнинг илмий жиҳатдан асосланган системаларини, индустриал технологияларни, илғор тажрибани актив жорий этиш — дала ҳокимларининг, барча деҳқонларнинг бурчидир.

Дон ҳосилини ошириш агрономларнинг диққат марказида турибди. Янги беш йилликда ғалла етиштириш ўртача йиллик миқдори 238—243 миллион тоннани ташкил этади. Колхоз ва совхозларнинг мутахассислари қаттиқ ва бақувват навли бўғдой, тариқ, қора бўғдой, жавдар, шоли, маккажўхори, дуккакли дон экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак. Бунинг учун барча резервлардан фойдаланиш, экинлар структурасини яхшилаш, уларга минерал ўғит солишни кўпайтириш, экинларни намунали парвариш қилиш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш ва уни пухта асраш муҳимдир.

Бошқа озиқ-овқат ва техника экинлари ҳам шундай ғамхўрлик қилинишини талаб этади. Агрономия хизмати сабзавот ҳосили ва уларни тайёрлашни муттасил кўпайтиришни таъминлаши лозим. Ем-хашак етиштириладиган далаларга алоҳида эътибор берилиши керак. Хўжаликларнинг агрономлари ўз куч-ғайратларини чорвачиликни тўйимли ўсимлик оқсили билан, юқори сифатли пичан, сенаж, силос ва илдиз мевалар билан таъминлашга сафарбар этишлари керак.

Илғор коллективлар ҳосилни барқарор оширишга эришмоқдалар. Бунда экинзорлардан, даставвал колхоз ва совхозларнинг олтин фонди — мелиорацияланган ерлардан оқилкорлик билан фойдаланиш албатта шарт. Ердан илмий асосда яхши фойдаланаётган, унинг унумдорлигини муттасил ошираётган хўжаликларда дон, сабзавот, картошка, бошқа экинлардан ҳар йили мўл ҳосил олинмоқда. Экинзорлар, ўтлоқлар, яйловлардан фойдаланишга ишнинг кўзини билиб ижодий ёндашиш — агрономларнинг бурчи, экинларнинг жойлашувини яхшилаш эса хўжалик ва план органларининг бурчидир. Энг яхши пировард натижаларни, давлат планлари бажарилишини таъминлайдиган деҳқончилик системаларини, алмашлаб экишни, экинлар структурасини, тупроққа ишлов бериш усулини қўллаб-қувватласа арзийди.

Агрономларнинг юмушлари оз эмас. Олдинда баҳор фасли турибди, уни ҳар жиҳатдан шай бўлиб кутиб олиш, дала ишлари бошланишига яхши тайёргарлик кўриш керак. Уруғларга биринчи навбатда эътибор берилиши лозим. Аъло сифатли, серҳосил навли уруғликни тўла ҳажмда ғамлаб қўйиш, экин майдонлари структурасини яна бир бор аниқлаш, талаб қилинган жойларда эса энг самарали дон, дуккакли дон ва озуқа экинлари майдонларини кенгайтириш тўғрисида ўйлаб кўриш муҳимдир. Ўғитларни тўплаш, машина-механизмларни ремонт қилиш ва созлаш, деҳқонларнинг ўқишн масалалари ҳам агрономларнинг эътиборидан четда қолмаслиги керак. Ҳамма ишни ўз муддатида юксак сифатли қилиб бажариш зарур. Бу эса мутахассислар ишидаги асосий сазкфадир.

Агрономлар орасида коммунистлар кўп. Улар ишда ўрнак бўлишлари, қиш кунларида янги ҳосилнинг мустаҳкам заминн яратилишига эришишлари лозим. Ўз навбатида партия комитетлари, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари агрономларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашлари, уларнинг ташаббусини рағбатлантиришлари, яхши меҳнат ва турмуш шароитларини яратишлари керак. Мутахассислар — қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётининг жонкуярларидир. Ердан фойдаланиш, унинг унумдорлигини ўстириш учун мутахассисларнинг масъулиятини ошириш зарур.

Деҳқонлар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси бутун халқ томонидан муҳокама этилаётганлиги туфайли вужудга келган меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик кучайган бир вазиятда ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилига қадам қўймоқдалар. Улар олдинда катта вазифалар турибди. Шак-шубҳа йўққи, агрономлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун дала ва ферма меҳнаткашларининг мусобақасида яна ҳам активлик билан пешқадамлик қиладилар, мамлакатнинг озиқ-овқат фондини кўпайтириш учун бутун кучларини сарфлайдилар.

(«ПРАВДА» газетасининг 27 декабрдаги бош мақоласи).

Хоразм область Қўшкўпир районидаги О. Қурбонов номли колхоз аъзоси А. Юсупова ўз боқимидаги бузоқларни меҳр билан парвариш қилиб, коллектив эришаётган зафарларга муносиб ҳисса қўшмоқда. П. Собиров фотоси.

ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛ ВАХТАСИДА

ЮКСАК МАРРАНИ КЎЗЛАБ

ЗАДАРЕ РАЙОНИДАГИ ИЛЬИЧ НОМЛИ совхоз заршуносларн зарбдор йилда республикамиз хирмонига ўз-ларининг 9700 тоннадан кўпроқ «оқ олтин»ларн билан ҳисса қўшишди. Партия XXVI съезди ўтказиладиган йилда хўжалик аъзолари 11 минг тонналик маррани мўлжаллашмоқда. Бунинг учун айни кунларда пухта замин яратиляпти.

Далаларда ишлаётган 200 сувчининг ҳар бири смена топшириғини икки баравар ошириб бажаришга эришмоқда. Сувчилар 4,5 минг гектар майдондаги ернинг шўрини ювишдан керак. Совхоз механизаторлари сувчилар учун иш фронтини ўз вақтида тайёрлаб беришмоқда. А. Жавҳаров, А. Раҳимов, Э. Обидов сингари бульдозерчилар ҳар куни 1,5 смена нормасини адо этишмоқда.

ИНДУСТРЛАШТИРИШ САМАРАСИ

ТЎРАҚЎРҒОН РАЙОН МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИНИНГ молларни сўқимга боқиш базаси коллективи ўз социалистик мажбурияти ҳисобига сўнгги тонна гўштни қабул пунктларига жўнатдн. Бу ерда йил бошидан буён 850 тоннадан кўпроқ гўшт тайёрланди. Бу планда белгиланганидан 250 тонна кўп.

Ишлаб чиқаришни нхтисослаштириш ва механизациялаштириш туфайли ана шундай ютуқларга эришилмоқда. Хўжаликда мустаҳкам ем-хашак базаси юзага келтирилган, фермадаги ишлар тўла механизациялаштирилган. Бир килограмм гўшт етиштириш учун 11 ўрнига 8,5 озуқа бирлиги сарфланмоқда. Натижада молларнинг суткалик семириши нормада белгиланганидан 1,5 баравар ошиб кетмоқда.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «КОМПРЕССОР» ЗАВОДИДА тайёрланаётган маҳсулотларнинг 70 процентидан кўпроғи давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Корхонада сўнгги йилларда фахрли беш бурчак билан чиқарилаётган маҳсулотларни икки баравар кўпайтиришга эришилди.

Корхонада КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига социалистик мусобақа авж олдирилди. Ишчи-хизматчилар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиқасини зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқиб, янги марраларни белгилашмоқда. М. Курмашов бошлиқ станокчилар бригадаси 1981 йилнинг биринчи квартал планини партия XXVI съезди очиладиган кунга бажаришга сўз берди.

ДЎСТЛИК ВА ТЎЛА ҲАМЖИҲАТЛИК ВАЗИЯТИДА

26 декабрь куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ПБИП Марказий Комитетининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Ю. Чирек ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокараларда Л. И. Брежневнинг Ю. Чирек билан бўлиб ўтган дўстона суҳбати муҳимлиги таъкидланди.

Ю. Чирек Польша раҳбарлари, қардош Польшанинг барча коммунистлари, ишчилар синфи ва меҳнаткашлари номидан ишонч билдириб айтдики, халқ Польшаси вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишга, мамлакатни социалистик йўлдан янада ривожлантирилишини таъминлашга қодирдир. ПХР, деб таъкидлади у, социалистик давлат, социализм мамлакатлари умумий онласининг мустаҳкам бўғини бўлиб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Энг муҳим халқаро проблемалар ва биринчи навбатда Европада мустаҳкам тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш, кескинликни юмшатиш снёсатини мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш проблемалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Министрлар социалистик мамлакатлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатларнинг Мадриддаги учрашуви ишида муҳим роль ўйнаётганликларини таъкидладилар. Улар ана шу учрашувнинг иккинчи ярмини яна ҳам конструктив вазиятда ўтказишга ва Хельсинки Якунловчи актини рўёбга чиқариш борасида амалий тадбирларни келишиб олиш билан тугаллашга муваффақ бўлинади, деб ишонч билдирдилар. Социалистик мамлакатлар, деб таъкидлашди министрлар, учрашув айни шундай якунланиши учун, унда Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга доир конференция чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши учун курашмоқдалар. Конференция Европадаги вазиятни яхшилаш ва Европа қитъасида тинчликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

* * *

А. А. Громико Ю. Чирек шарафига нонушта зиёфат берди. Зиёфат вақтида дўстона қадаҳ кўтариб, нутқлар сўзланди.

* * *

Шу куни меҳмон ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда уни А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

Чорвачилик — зарбдор фронт

Юксалиш йўлида

Оқдарё районидаги «Оқдарё» совхози чорвадорлари 1979 — 1980 нил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга топширишни кўпайтириш бўйича социалистик мусобақа голиби деб топилиб, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва қишлоқ хўжалиги ходимлари насаба союзи Марказий Комитетининг фахрий дипломи билан тақдирландилар. Яқинда штатсиз мухбиримиз Б. Имомов совхоз директори Абдувоҳид ОДИЛОВ билан учрашиб, хўжалик чорвадорларининг қишловни қандай ўтказаётганликлари ва истиқбол режалари ҳақида суҳбатлашди.

— Шуни мамнуният билан айтишни истардимки, хўжалигимиз чорвадорлари 1980 йилни камида 60 минг сўм соф фойда олиш билан якунлайдилар.

Биз ҳозиргача 110 тонна гўшт, 915 тонна сут, 130 минг дона тухум етиштирдик. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари топшириш йиллик планларини 10 ойда бажардик. Молларни бўрдоқига боқишга эътибор берилди. Агар ўтган йили бир бош қорамолнинг тирик вазни 380 килограммни ташкил қилган бўлса, бу йил 400 килограмм тош босди. Молбоқар Муҳаммади Бекмуродов бўрдоқи молларнинг суткалик семиришини 650—700 граммга етказди. Агар бултур бир центнер гўштнинг таннархи 263 сўмни ташкил қилган бўлса, бу йил 150 сўмга туширилди.

Биз 1981 йилда гўштга топшириш учун 200 бошдан зиёд қорамолни бўрдоқига боқаётгирмиз. Ҳар бирининг тирик вазни 450 килограммга етказилиб гўштга топширилади.

Сут чашмасини тошираётган азаматларимиз эл дастурхонига 900 тоннадан зиёд сут етказиб беришни, планни оширнб удлаладилар. Аржон ва сифатли сут етиштирилляпти. Агар бултур бир центнер сутнинг таннархи 32 сўмга тўғри келган бўлса, бу йил 24 сўмга тушмоқда.

Чорвадорларимиз Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени соҳиби Сабоҳат Абдурахмоновнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. У 15 йилдан буён сигир соғади. Ийд бошидан ҳозиргача 22 бош сигирнинг ҳар биридан 4800 килограммдан сут соғиб олиб, мажбуриятини оширнб бажарди. Энди оширилган мажбурият ҳисобига сут соғяпти.

Сабоҳат Абдурахмонова касбини қизи Зулфия Бекмуродовага ўргатди. Зулфия ўзига бириктилган сигирларнинг ҳар биридан ҳозиргача 3200 килограммдан сут соғиб олди. Сабоҳат опанинг шогирдлари — Мавжуда Каттабекова, Сайёра Ҳусанова, Мушарраф Жаббарова, Чинигул Рустамова. Моҳия Мирзаева ҳам сут чашмасини тоширмоқдалар. Ферма бўйича сутнинг ёғлилиги 3,9—4 процентга етказилди. Говмишлар тўйимли озуқалар билан парвариш қилинаётир.

1979 йили ҳар бир сигирдан 1981 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, бу йил ҳозиргача ҳар бир сигирдан 2150 килограммдан сут соғилди. Ўтган йилнинг шу даврндагига нисбатан ҳар бир сигирдан 210 килограммдан кўп сут соғиб олдик Чорвадорларимиз ҳар куни 3000 килограмм сут соғиб, унинг 2500—2600 килограммини кабул пунктига топширмоқда. Ҳар куни 400 килограмм сут болалар боғчалари ва халқимиз эҳтиёжига сарфланмоқда.

Биз серсут қора-ола зотли сигирларни кўпайтирамиз. Фермада 384 бош сигир бор. Унинг 100 боши қора-ола зотлидир. 1982 йилгача сигирларнинг ҳаммаси зотли бўлишига эришамиз. Олий маълумотли бош зоотехник Озод Саидмуродов билим ва тажрибасини сигирлар зотини яхшилашга сарфламоқда. У ҳар доим молбоқар ва сут соғувчилар билан ҳамкор, ҳамфикр. Гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш резервлари ҳақида ўйлайди. 1981 йилда соғин сигирлар сони 400 бошга етказилиб, 1100 тонна сут етиштирилади. Пўлат Жалилов, Раҳмат Турсунов, Насим Иброҳимов каби бузоқбоқарлар ҳам яхши ишлашаётир. Уларнинг ҳар бирига 60—70 бошдан бузоқ бириктилган. Бузоқларнинг суткалик семириши 600—650 граммдан ошяпти.

Шуни айтиш керакки, мустаҳкам озуқа базаси яратмасдан туриб, маҳсулотни ошириб бўлмайди. Тиркаш Фармонов ҳар куни камида 5 минг килограмм атала тайёрламоқда ва соғин сигирларга 10—15 килограммдан берилаётир. Бу тўйимли озуқа сигирлар сутини тобора кўпайтириб, бузоқларнинг этига эт қўшаётир.

Чорвадорларимиз дадил одим ташламоқдалар. Қишда ҳам маҳсулот олишни камайтирмаслик талабларн кўрилмоқда. Бунинг учун мўл-кўл ем-хашак ва тўйимли озуқа жамғирилган. 2970 тонна ўрнига 3550 тонна силос, 2420 тонна ўрнига 7440 тонна сенаж бостирилди. 2 минг тонна беда пичани, 270 тонна сомон, 450 тонна беда уни тайёрланди.

Биз мусобақа шартларини ҳар 15 кунда якунлаб боряпмиз. Илғор сут соғувчилар, молбоқарлар, бузоқбоқарлар моддий ва маънавий рағбатлантирилаётир.

Совхоз чорвадорлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

НУР ЯРАТУВЧИЛАР

ҒАЗАЛКЕНТ ГЭСи БИРИНЧИ НАВБАТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

«Ҳозир бизнинг электр станцияларимиз биринчи беш йилликда бир йил ичида қанча электр энергия ҳосил қилинган бўлса, шунча электр энергияни икки кунда ҳосил қилмоқда... Дунёда энг катта энергоагрегатлар ишлаб чиқаришни муваффақиятли ўзлаштирдик... Бу муваффақиятлар ГОЭЛРО планида мужассамлашган Ленин ғояларининг буюк тантанасидан далолат беради».

(КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг мамлакатимизнинг барча энергетикларига, машинасозларига ва саноат ёқилғи тармоқларининг ходимларига йўллаган табрикномасидан).

Республикамиз нурчилари ўнинчи беш йилликни саноқли кунлар ичида сафарлар билан якунлашмоқда. Бу йил улар бутун мамлакатимиз билан бирга ленинча ГОЭЛРО планининг 60 йиллигини зўр тантана билан байрам қилдилар. Доҳийнинг ГОЭЛРО планига мувофиқ республикамизда қурилган биринчи электр станция 4 минг киловатт қувватга эга бўлган эди. Эндиликда Ўзбекистоннинг «электр фабрикалари» халқ хўжалигининг турли тармоқларига бир суткада 100 миллион киловатт соат энергия юбориб турибди. Ҳар йили янги энергия блокларн ишга туширилмоқдаки, уларнинг жами қуввати 500—600 минг киловаттга тенг келади.

Бундан уч йилча ,муқаддам, аниқроғи 1978 йилнинг биринчи январь куни «Совет Ўзбекистони» газетаси Ғазалкент ГЭСи биноси пойдеворига дастлабки кубометр бетон ётқизилганини хабар қилган эди. Бу бино келажакда тўғоннинг таркибий қисми бўлади. Тўғон 36 метр баландликка кўтарилганидан кейин 16,5 миллион кубометр ҳажмли сунъий денгиз ҳосил қилинади. Унинг суви умумий қуввати 135 минг киловаттга борадиган 3 та агрегатни ишга солади.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига зарбдор вахтада ишлаётган Ғазалкент ГЭСи бунёдкорлари янги беш йиллик бўсағасида ажойиб зафарни қўлга киритишди. Қуввати 40 минг киловатт бўлган ГЭСнинг биринчи агрегати ишга туширилди.

Ғазалкент ГЭСи қурилишида «Узбекгидроэнергострой» трестига қарашли «ЧарвакГЭСстрой» бошқармаси аъзолари айниқса, фидокорона меҳнат қилишди.

«ЧарвакГЭСстрой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи К. Г. Кручинин мухбирларимиз билан суҳбатда Чорвоқ ГЭСи қурилиши ва унинг истиқболи ҳақида гапириб берди. Айни чоғда у пешқадам қурувчилар номини фахр билан тилга олди. Н. Дадабоев, Э. Асанов, Ў. Ойнақулов сингари пешқадам бинокорлар смена топшириқларини 160—180 процентгача ошириб бажаришга эришдилар. Мазкур гидроиншоотнинг ўзига хос афзалликларидан бири шундаки, дейди бошлиқ, пойтахт областидаги шаҳар ва қишлоқларни энг зарур пайтда — кечки соатларда ҳам кўплаб электр энергия билан таъминлашга ёрдам беради.

Ғазалкент ГЭСининг биринчи навбати ишга туширилди. Эндиги навбат унинг кейинги қувватларини ўзлаштиришга! Нурхона бунёдкорлари уларни ҳам тез муддатда ишга тушириш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Ғазалкент ГЭСи Чирчиқ дарёсидаги электр станциялар шодасида сўнгги 19 станциядир. У келажакда мамлакат экономикасини юксалтиришда шубҳасиз муҳим ўрин тутади. Унинг ҳаётбахш нурлари коммунизм жамиятини бунёд этишда хизмат қилади.

Суратда: Ғазалкент ГЭСининг кўриниши.

В. Сироткин фотоси.



Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОСТАВИДА ЯНГИ РАЙОНЛАР ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш истиқболларини назарда тутиб, халқ хўжалигига раҳбарликни янада кучайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Халқ депутатлари Наманган ва Фарғона область Советлари ижроия комитетларининг илтимоси қондирилиб, Ўзбекистон ССР составида қуйидаги районлар тузилсин:

НАМАНГАН ОБЛАСТИДА

Чортоқ райони — маркази Чортоқ шаҳри.

Янгиқўрғон районидаги Чортоқ шаҳри, Ойқирон, Алихон, Гулшан, Қороскон, Ленин номли, Нарнманов номли ва Парамон қишлоқлари Чортоқ райони составига ўтказилсин.

Янгиқўрғон районининг маъмурий маркази Чортоқ шаҳридан Янгиқўрғон шаҳар посёлкасига кўчирилсин;

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДА

Ёзёвон райони — маркази Ёзёвон шаҳар посёлкаси.

Охунбобоев районидаги Ёзёвон шаҳар посёлкаси, Гулистон, Хонобод, Йўлдошобод, Ёзёвон қишлоқлари ва Тошлоқ районидаги Октябрь қишлоғи Ёзёвон райони составига ўтказилсин.

Охунбобоев районининг маъмурий маркази Ёзёвон шаҳар посёлкасидан Қорақўшчи аҳоли пунктига кўчирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 27 декабрь. Тошкент шаҳри.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

БУНЁДКОРЛИК МАРРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАД

Л. ГРЕКОВ,
Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари

Унинчи беш йиллик ниҳоясига етмоқда. Бутун совет халқи, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси меҳнаткашлари босиб ўтилган йўлга якун ясамоқдалар. КПСС Марказий Комитети қарор топган анъанага мувофиқ ўтган беш йилликда қилинган ишлар якуни ҳамда ўн биринчи беш йилликда мамлакатимиз олдида турган вазифаларни умумхалқ муҳокамасига қўяди.

Шу кунларда «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси республикамизнинг ҳар бир меҳнат коллективида кенг муҳокама қилинмоқда. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар амалга оширилган ишлар ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этиб, келгусида қилинадиган ишлар ҳақида ўз таклифларини киритмоқдалар.

Саксонинчи йилларда Коммунистик партия бошқа энг муҳим вазифалар қатори халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтира бориб, ўзининг иқтисодий стратегиясини изчил амалга ошира боради. Бунинг учун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги қатъият билан оширилиши, маҳсулот сифати яхшиланиши ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг фаолияти яхши йўлга қўйилиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш ҳақида ғамхўрлик қила бориб, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришга муттасил эътибор бермоқдалар. Беш йиллик мобайнида аҳолига моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш 42 процентдан зиёд кўпайиб, товар оборoти биринчи марта 10 миллиард сўмлик маррага етди. Ҳозирги вақтда республикамизнинг аҳоли жон бошига 1975 йилдагига нисбатан 125 сўмлик кўп маҳсулот сотилмоқда.

Шу давр ичида маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 1,8 баравар, шу жумладан қишлоқларда қарийб икки баравар кўпайди. Шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолисига хизматнинг олти юздан кўпроқ тури кўрсатилмоқда. Республика Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги корхоналари шу йилнинг ўзида пландан ташқари салкам икки миллион сўмлик иш бажардилар. Бундай юксалиш қонуний бўлиб, 1980 йилнинг ўзида республика аҳолисининг реал даромади 3,3 процент, ижтимоий истеъмол фондлари 6,7 процент кўпаяди.

Ўн биринчи беш йилликда халқ фаровонлигини юксалтиришга катта эътибор берилади. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси ҳам шуидан яққол далолат бериб турибди. Бунда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш муҳим ўрин тутади. Зотан, ишлаб чиқарилган моддий неъматлар худди шу соҳалар орқали бевосита истеъмолчига етказиб берилади.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини энг тўлиқ равишда қондириш мақсадида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ташаббуси билан озиқ-овқат программаси ишлаб чиқилмоқда. Бу программани амалга ошириш барча меҳнаткашларнинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоғи керак. Бу ишга қишлоқ хўжалиги ходимларигина эмас балки ёрдамчи хўжаликлар йўли билан саноат корхоналарининг коллективлари ҳам, мавжуд резервлардан самарали фойдаланиш йўли билан матлубот кооперацияси ва давлат савдоси ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг ҳужжатида савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Республикамизда давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти 1981 йилдаёқ 10 миллиард 830 миллион сўмни ташкил этиши керак. Бу эса шу йил эришилганидан 7,2 процент кўп демакдир.

Келгуси йил учун белгиланган иқтисодий ва социал ривожланиш давлат планида гўшт, сут маҳсулотлари, тухум, ёрма, картошка, мева, сабзавот сингари қимматли озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек, газлама, тикув буюмлари, чарм пойабзал, гилам буюмлари, мебель, автомобиль, мотоцикл, чинни-идишлар ва шу сингари аҳоли кўп ишлатадиган саноат моллари сотишни тубдан кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 8,1 процент, шу жумладан, қишлоқда 10,2 процент кўпаяди.

АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИ ДАРАЖАСИ ОШИРИЛСИН, ИЛҒОР САВДО ФОРМАЛАРИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНТИРИЛСИН... МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА, ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА САВДО-СОТИҚНИ ЯХШИЛАШДА, ХОМ АШЁ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ РЕСУРСЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШДА УНИНГ ХЎЖАЛИК ТАШАББУСИ ҲАМДА АКТИВЛИГИНИ ОШИРИШГА ҲАР ТОМОНЛАМА ЁРДАМ БЕРИЛСИН.

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан).

Аҳолининг муттасил ўсиб бораётган эҳтиёжлари савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига юксак талаблар қўяди. Шуни айтиш керакки, хизмат кўрсатиш соҳаларининг коллективлари ўз ишларини яхшилаш учун кўпгина тадбирларни амалга оширдилар. «Ўзҳозторг» республика базаси, Наманган область ижроия комитетининг савдо бошқармаси, Чирчиқ шаҳар савдо ташкилоти, Қува район матлубот жамияти, Косонсой ва Олтинкўл районларининг матлубот жамиятлари якка буюртмалар ва киймларни ремонт қилиш бўйича В. И. Ленин номли Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси, Шофиркон район маиший хизмат кўрсатиш комбинати, Андижон область ижроия комитетининг маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари социалистик мусобақада юксак натижаларга эришмоқдалар.

Тошкент Марказий универмаги меҳнатчиларининг харидорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан бошлаган ташаббусини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўз вақтида маъқуллаган эди. Давлат ва кооператив савдосининг кўпгина коллективлари ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага актив қўшиладилар.

Партия ва совет органлари, давлат савдоси корхоналари, матлубот жамияти ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг раҳбарлари бу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ривожлантиришлари, хизмат кўрсатиш соҳаси ишини муттасил яхшилашлари, совет савдоси қоидаларини ва аҳолига хизмат кўрсатиш тартибларини бузишларга, бу соҳадаги камчиликларга қарши кескин кураш олиб боришлари, «кемтик» жойларга барҳам беришлари лозим. Бундай нуқсонлар эса бизда оз эмас.

Аввало, гап барча коллективларнинг давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажарилишини таъминлашлари ҳақида боряпти. 1980 йилда магазинларнинг қарийб тўққиз процента ва умумий овқатланиш корхоналарининг беш процента план-топшириқларини уддалай олмадилар, улар товар оборoти планида мўлжалланган қарийб 50 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб беролмадилар. Катта резервларимиз, фойдаланмаётган имкониятларимизни мана шундан изламоқ керак. «Қолоқларсиз ишлайлик!» шиори республикамиз барча меҳнаткашлари социалистик мусобақасининг жанговар шиори бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишининг ёмон ташкил этилиши оқибатида меҳнаткашлар кўп вақтларини навбат кутишга сарфлаб юборяптилар, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, уларга кўпол муносабатда бўлиш, эътиборсизлик билан қараш ҳоллари учраб турибдики, буларга сира тоқат қилиб бўлмайди. Баъзи коллективларда растрат қилишларга қарши кураш суст олиб борилаётир. Ғоявий-тарбиявий ишлардаги нуқсонларга барҳам бериш учун таъсирли чоралар кўрилмаётир.

Аҳолига хизмат кўрсатишдек катта ва муҳим ишга дахлдор бўлган барча ходимларнинг масъулиятини кучайтириш лозим. Савдода баъзи товарларнинг етказиб берилишида юз бераётган узилишлар айрим раҳбар ходимларнинг лапашанглиги оқибатида келиб чиқади. Чунки ана шундай маҳсулотлар омборлар ва базаларда етарли миқдорда мавжуддир.

Умумий овқатланиш корхоналари ишини яхшилаш йўлида кўп иш қилиниши лозим. Ярим фабрикатлар ва кулинария маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, катта-катта кафетерийлар ва ошхоналар очиш, мактаб ошхоналари ва буфетлари ишини тубдан яхшилаш жуда муҳимдир. Уларда сут, сабзавотдан кам овқат тайёрланмоқда, шунингдек, етарли тайёрланмаётир. Қурилишлар, саноат корхоналари, меҳнаткашлар оммавий дам оладиган жойларда умумий овқатланишни ташкил этиш устидан алоҳида назорат ўрнатиш лозим.

Давлат ва кооператив савдоси ходимлари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ўзларининг ҳиссаларини қўшиб борибгина, қорамоллар, қўй, эчки, чўчқаларни овқат чиқиндилари билан бўрдоқига боқиш, паррандаларни ўзларининг ёрдамчи хўжаликларида боқиш юзасидан катта иш олиб бормоқдалар. Бу йил улар шу йўл билан 66 минг тонна гўшт тайёрлаб, аҳолига етказиб бердилар. Улар фақат гўшт етиштириш билан шуғулланиб қолмай, моллари ни урчитиб кўпайтиришни жадаллаштиришлари ҳам лозим.

Ўнинчи беш йиллик ичида савдо ва маиший хизмат кўрсатишнинг моддий-техника базасини ривожлантиришда жиддий сифат ва миқдор ўзгаришлари юз берди. Юздаб янги магазинлар, замонавий омборлар, музхоналар, маҳсулот сақланадиган бинолар, якка буюртма бўйича тикувчилик фабрикалари ва устахоналар, комплекс қабул пунктлари, маиший хизмат кўрсатиш уйлари фойдаланишга топширилди. Шу вақт ичида қишлоқлар ва шаҳарларимизда салкам уч юзта маиший хизмат комплекслари очилди. Бу иш давом этмоқда. 1980 йилнинг ўзида шу мақсадлар учун қарийб 120 миллион сўм ажратилди.

Аммо савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилишида ишлар бир текис боряпти, деб бўлмайди. Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм областларининг савдо бошқармалари капитал маблағларни етарли ўзлаштирмаяптилар. Уй-жой қурилишидан беш процентли аҳратмалар ҳисобига берилаётган маблағлардан айниқса ёмон фойдаланилмоқда. Бу — айрим маҳаллий Советларнинг аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш ишига етарли эътибор бермаётганликларининг оқибатидир. Баъзи министрликлар ва идоралар савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилишига иккинчи даражали иш деб қарамоқдалар. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой» бундай объектларни фойдаланишга топшириш планларини йил сайин бажармай келмоқда. Асосий йўналишлар лойиҳаси муҳокама этилаётган ҳозирги пайтда қурувчилар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари ва ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олишлари лозим.

Аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш озиқ-овқат программасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу маҳсулотларни етиштириш тобора кўпаймоқда. Бу йил 3 миллион тонна сабзавот, мева, полиз экинлари маҳсулоти ва узум, картошка тайёрланди. Бу эса 1975 йилдагидан 1,8 баравар кўпдир. Кўпгина хўжаликларда мева ва сабзавотдан юқори ҳосил олиш йўлини ўрганиб олишди. Аммо ҳозир яна бир муҳим вазифа турибди: етиштирилган жами ҳосил тўла-тўкис сақлаб қолиниб, меҳнаткашлар дастурхонига қўйилиши керак.

Кейинги йилларда бу соҳада озмунча иш қилинмади: омборларнинг ҳажми кенгайтирилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, аҳолининг ортиқча маҳсулотларини харид қилиш яхшиланди. Шу билан бирга республикамиздаги мавжуд ресурс ва имкониятлардан ҳали тўла-тўкис фойдаланаётганимизни ҳам таъкидлаш лозим. Ҳамон маҳсулот сақланадиган бинолар, музхоналар етишмайди, типовой қабул пунктлари оз, тайёрлов ташкилотларининг техника билан жиҳозланиши етарли эмас.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бевосита хўжаликларининг ўзида сақлашни йўлга қўйиш керак. Бунинг учун эса колхозлар ва совхозлар совутиладиган омбор бинолари қуришлари, қабул қилиш, тошириш пунктлари ташкил этишлари лозим.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида ҳам кўпгина ишлар қилиниши лозим. Ҳамма жойда ҳам пойабзални ремонт қилдириш, кирни ювдириш, кийимларни кимёвий йўл билан тозалаш сингари хизматлар йўлга қўйилган деб бўлмайди. Ишларнинг ёмон ташкил қилингани оқибатида кўплаб телевизорлар, соатлар, холодильниклар ва бошқа аппаратларни ремонт қилиш муддатлари чўзилиб кетади. Кўпинча буюртмачиларнинг ўзлари катта ҳажмдаги рўзғор буюмларини ремонт устахоналарига олиб келиб, олиб кетиш йўлларини ўзлари излаб топишга мажбур бўлмоқдалар. Бир қанча районларда комплекс қабул қилиш пунктлари кам, борларининг кўпчилиги эса ноқулай биноларда жойлашган. Айни пайтда Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Самарқанд областларида маиший хизмат объектлари бўйича пудрат ишлари беш йиллик планлари бажарилмаяпти. Уй-жой қурилишидан ажратилган маблағлардан тўла фойдаланилмаяпти. Саноат корхоналари, колхозлар ва совхозлар маиший хизмат корхоналари қуришга етарли жалб этилмаяпти.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг раҳбарлари меҳнаткашлар эҳтиёжини муттасил ўрганишлари, ишни ташкил этишни такомиллаштириб, ательелар, устахоналар, қабул пунктларининг аҳоли учун қулай пайтда ишлашини таъминлашлари керак.

«Халқ фаровонлигини ошириш аҳоли истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқаришда жиддий силжишлар бўлишини ҳам талаб этади», — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида. Республиканинг партия, совет, хўжалик органлари бу ҳақда муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўзбекистонда «Б» группаси товарларининг ҳаммасидан деярли 700 бирлашма ва корхона ишлаб чиқарётган маҳсулотнинг қиммати якунланаётган йилда 4,2 миллиард сўмга тенг бўлади. Бу эса ўтган йилдагидан 7 процент ортиқдир. Беш йиллик мобайнида эса «Б» группаси моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиши 45 процентни ташкил этади.

Аммо ишнинг таҳлили шундан далолат бермоқдаки, саноатимиз аҳолининг ўсиб бораётган талабларини қондиришга улгурмаяпти. Кўпгина корхоналар номенклатурадаги ва айниқса ассортиментдаги буюмлар ишлаб чиқариш планларини бажармаяптилар. Шу йилнинг ўзида савдо ташкилотларига 84 миллион сўмлик турли моллар етказиб берилмади. Шундан маданий-маиший ва рўзғор буюмлари 59 миллион сўмликни ташкил этади. Бу гап аввало енгил саноат, Мебель ва Маҳаллий саноат министрликларига, Иттифоқ қарамоғидаги бир қатор корхоналарга, жумладан Самарқанд холодильник заводи, Ўзбекистон металлургия комбинати, Тошкентдаги синтетик ювиш воситалари заводи, Олмалиқ рўзғор химияси заводи ва бошқа корхоналарга тааллуқлидир. Баъзи молларнинг сифати пастлигидан улар омборларда босилиб ётибди.

Шу боисдан баъзи халқ истеъмоли моллари ҳамон магазинларда етишмайди. Савдо ташкилотларининг буюртмаси бўйича уларни кўплаб ишлаб чиқариш ва сифатини тубдан яхшилаш учун саноат корхоналари ҳамма чораларни кўришлари лозим.

Партия ва совет органлари ишининг бу муҳим соҳасидаги аҳволни чуқур таҳлил этишлари, нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишлари, саноат корхоналари ишини савдо, истеъмолчи манфаатига қаттиқ бўйсундириб қўйишлари керак. Бу биринчи даражали иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Асосий йўналишлар лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси авж олиб кетган ҳозирги пайтда партия, совет органлари, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг раҳбарлари бошланғич партия ташкилотлари совет кишиларининг фаровонлигини оширишда уларнинг фаолияти муҳим роль ўйнашини барча ходимлар онгига етказишлари лозим. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида таъкидланганидек, ҳозирги босқичда Коммунистик партия стратегиясининг олий мақсади — халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини янада муттасил юксалтиришдан иборат.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ЛЕНИНЧА УСЛУБ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

СИРДАРЁ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида таъкидлаб ўтганидек, ленинча иш услуби — партиявий раҳбарликнинг муваффақият қозонишн учун муҳим шартдир. Бу услуб барча ижтимоий жараёнларга илмий ёндашиш руҳи билан суғорилган. Ленинча иш услубн ўзмга ҳам, бошқаларга нисбатан ҳам юксак талабчанликни кўзда тутади. Партия комитетлари ўз фаолиятларини ана шу услуб асосида ташкил этишни барча муваффақиятларнинг асосий шарти деб билмоқдалар. Сирдарё район партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган конференциясида ҳам бу фикр яққол сезилиб турди.

Сирдарё район партия ташкилоти областдаги йирик ҳамда жанговар ташкилотлардан бири. Меҳнат коллективларида 199 та бошланғич партия ташкилоти иш олиб бормоқда, улар атрофига 2636 нафар коммунист, 154 нафар партия аъзолигига кандидат бирлашган. Район коммунистлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларида кўтарилган актуал масалаларни ҳал этиш йўлида астойдил кураш олиб бормоқдалар, район меҳнаткашларини ана шу улуғвор вазифаларни шараф билан бажаришга даъват этмоқдалар.

Конференцияда партиямизнинг иқтисодий сиёсати қандай амалга оширилаётганн ҳақида атрофлича фикр юритилди, райкомнинг ана шу муҳим соҳадаги фаолияти принципиаллик билан таҳлил этилди. Ҳисобот даврида райком томонидан олиб борилган партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишларга тегишли баҳо берилди.

Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Каримовнинг ҳисобот доклади ҳамда музокараларда иштирок этган делегатларнинг сўзларидан шу нарса равшан кўриниб турдики, район партия комитети, кўпчилик бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида кейинги йилларда партиявий раҳбарликнинг ленинча услуби янада кенгроқ қарор топди.

Райком бюросида муҳокама этилган Бахт пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилотида ички демократияни ривожлантириш ҳамда партия ҳаётида ленинча нормаларга риоя қилиш, район ички ишлар бошқармаси партия ташкилотида коммунистларни ленинча ишчанлик руҳида тарбиялаш ва ўз вазифаларига бўлган масъулиятларини ошириш, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетида меҳнаткашларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш борасидаги ишлар билан боғлиқ масалалар қараб чиқилди.

Ўнинчи беш йилликда саноат маҳсулотларининг тўқизта янги тури ўзлаштирилди. Корхоналардаги кўпгина станоклар, машина ва механизмлар янгиланди, ишчилар, инженер-техник ходимларнинг малакаси ошди. Беш йилда пландан ташқари 2 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, бир миллион сўмлигидан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Районда кенг кўламда капитал қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Сўнгги икки йиллик давр мобайнида 35,4 миллион сўмлик асосий фондлар ишга солинди, 19700 квадрат-метр уй-жой, 1496 ўринли мактаб, 465 ўринли боғча ҳамда бошқа турли маданий-маиший, медицина объектлари фойдаланишга топширилди. 2516 нафар меҳнатчи ўнинчи беш йиллик топшириқларини тўрт йилда, 1396 киши — уч йилда оширибе бажарди. Бульдозерчи Иван Дробишев, машинист Мамат Муродасилов, тикувчи Надежда Ким, шоферлардан Бозор Ҳакимов, Владимир Семёнов каби жами 26 нафар донгдордлар эса бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни адо этишга муваффақ бўлдилар. Ана шу донгдорларнинг бири, Бахт механизациялашган кўчма колоннасининг бульдозерчиси Иван Дробишев конференция меҳнбарига кўтарилганда делегатлар уни қарсаклар билан қарши олдилар.

Нотиқ коллектнвда ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласига оид мулоҳазаларини ўртага ташлади. Унинг фикрича, баъзи ташкилот раҳбарлари у ёки бу ишчини рағбатлантиришда ўша одамнинг меҳнатда эришган ягона ютуғига қараб хулоса чиқарадилар. Баъзи ҳолларда орадан кўп ўтмай бундай «илтифот» кишиларнинг номлара эшитилмай қолади.

Ҳақиқатан ҳам ишчилар, меҳнатчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишн тўғри йўлга қўйишларига эришш экономикага раҳбарликнинг ажралмас қисмидир. Лекин ҳисобот даврида район партия комитети ўзининг пленумлари ва бюро мажлисларида бирор марта ҳам бу масалани муфассал кўриб чиқмади. Конференцияда сўзга чиқишган «Коммунизм» колхози партия ташкилотининг секретари Тугал Қўзибоев, Ғафур Ғулом номли Сирдарё давлат педагогика институтининг ўқитувчиси Расул Ғофуров ҳамда бошқа ўртоқлар ҳам партия ўқуви, доҳий Ленин назарий меросини ўрганиш, ёшларни Ленин иши, партия, Ватан ишига содиқ кишилар қилиб тарбиялаш йўлидаги вазифалар тўғрисида атрофлича фикр юритдилар.

Экономикага раҳбарликда, пахтачиликда техника тараққиётини жадаллаштиришда ҳам бир қатор камчиликлар содир бўлди. Район деҳқонлари пахта йиғим-теримига областда биринчи бўлиб киришган эдилар, лекин бу ишни ҳаммадан кейин якунладилар. Бошқача қилиб айтганда, район хўжаликларида йиғим-терим ишлари деярли уч ойча давом этди. Кейинги йилларда бўлаётгани каби бу йилги мавсумда ҳам машина теримига эмас, балки қўл теримига зўр берилди. Натижада Охунбобоев номли, Ленин номли колхозлар, янги ташкил этилган Собир Раҳимов номли совхозда энг қулай об-ҳаво шароитида ҳам машина терими планн 70—80 процентда қолиб кетди. «Правда», Ленин номли, Ильич номли, Охунбобоев номли колхозларда бу йил пахта тайёрлаш планлари аранг бажарилди, беш йиллик плани эса уддаланмади.

Хўш, нега сўнгги йилларда пахта етиштириш соҳасида бундай нотекисликлар, баъзи ҳолларда эса орқага чекиниш кузатилмоқда? Конференцияда ана шу масалалар хусусида ҳам жиддий гаплар бўлди. Район партия комитети, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар томонидан юксак даражада тадбиркорлик ва ташкилотчилик, ишбилармонлик кўрсатилмагани таъкидланди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Ленинград» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўзибоқар Синдоров, шу хўжалик механизатори, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Омонтелдн Исаев, «Малик» совхозининг директори Михаил Красильников ва бошқа делегатлар янги сайланадиган район партия комитети, унинг бюроси пахтачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини жадал суръатлар билан ривожлантириш учун катта ишларни амалга оширишлари лозимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Район коммунистларининг конференцияси танқид ва ўз-ўзини танқид, ишчанлик, талабчанлик ва принципиаллик руҳида ўтди. Конференцияда Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. Хайдуров нутқ сўзлади.

Конференцияда район партия комитети ҳамда район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составн, область партия конференциясига делегатлар сайланди.

Район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Ўртоқ М. Каримов район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

А. УМАРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

*

«Социалистик мусобақани ташкил этиш яхшиланснн ва унинг таъсирчанлигн оширилсин... Ўртоқларча ҳамкорлик ва меҳнатда ўзаро ёрдам ривожлантирилсин» — партия XXVI съездига КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасидаги ана шу сўзлар Самарқанд шаҳридаги шойи тўқиш бирлашмаси аъзоларини янги зафарларга руҳлантирнб юборди. Ишлаб чиқариш коллективлари ўртасида социалистик мусобақа янада қизғин авж олдирилиб, КПСС XXVI съездига муносиб меҳнат совғалари ҳозирланяпти. Суратда: тайёрлаш цехи. нинг илғор ишчиси Г. Ғуломова. У смена топшириқларини 130—140 процент қилиб бажармоқда.

А. Тўраев фотоси.

ИЛҒОР ТАЖРИБА — ҲАММАНИНГ МУЛКИ

МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИБ

«...Ходимларни юксак онглилик ва топширилган иш учун масъулиятни сезиш руҳида, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда халқ хўжалигида юксак пировард натижаларга эришиш вазифаларини ҳал этишда ҳар бир кишининг қўшадиган ҳиссаси муҳим эканлигини чуқур англаш руҳида тарбиялаш зарур» («СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳаси»дан).

«Сельхозтехника» Ленинск мотор-ремонт заводида социалистик мусобақа ғолибларини аниқлашда беш балли система жорий этилди. Бунда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўзигина назарда тутилиб қолмайди — илғор ишчи жамоат ҳаётида актив қатнашмоғи, ўз тажрибаларини ёшларга ўргатмоғи, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ҳисса қўшмоғи ҳам лозим.

Бундай талаблар корхона меҳнаткашларининг меҳнат ва ижтимоий активлигини ғоятда юксалтириб, рационализаторлар ва ихтирочиларнинг сафлари ўсишига ёрдам берди. Заводда ўрнак олса бўладиган кишилар бор. Масалан, мотор цехининг слесари Федор Вальков икки беш йиллик программасини бажариб қўйди, унинг шогирдлари Виктор Колоч, Одил Раҳмонов, Валерий Вечинский шахсий беш йиллик планларини муваффақиятли адо этдилар. Яқинда шуларнинг ташаббуси билан цехда ювиш линияси монтаж қилинди. Бу линия мотор асосий узелларини ювиш жараёнини икки баравар тезлаштириб, бу ишдаги қўл меҳнатига батамом барҳам берди.

Социалистик мусобақа ғолибларини янгича аниқлаш системасида ҳар бир ишчи коллектив ишининг натижалари учун масъулият ҳиссини сезиб туради. Мотор цехининг катта мастери Қўшқобой Умаров моторларни синаш участкасини қолоқликдан илғорлар сафига чиқаришда катта роль ўйнади. Синаш — ремонт ишида энг масъулиятли иш бўлиб, жамики мотор ремонтчилар меҳнатига бериладиган баҳо шунга боғлиқ. Участкадаги ҳар бир киши буни яхши билади. Эндиликда бу ерда бироята ҳам қолоқ йўқ, ҳамма ғайрат-шижоат билан ишламоқда.

Ленинск шаҳри.
(ЎзТАГ).

КУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

Колхозларда ҳисобот-сайловларни намунали ўтказайлик

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳасида белгиланган топшириқларни бажариш учун, план интизомига қаттиқ риоя қилиш учун кадрларга нисбатан талабчанликни кучайтириш, уларни ишчанлик, масъулиятли сезиш ва ташаббускорлик руҳида тарбиялаш лозимлиги таъкидланган. Колхозларда бу йилги ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишлари ана шу дастуриламалга риоя қилинган ҳолда ўтказилиши керак.

Республика колхозлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи босқичи — 1980 йилни катта меҳнат ғалабалари билан якунламоқдалар. Колхоз сектори бўйича 3 миллион 700 минг тонна пахта тайёрланди. Бу планда кўзда тутилганидан 370 минг тонна кўпдир. 1976 йилда ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта ҳосилини кўтарилган бўлса, 1980 йилда ҳосилдорлик 38,5 центнерга етказилди. Бошқа хил деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга сотиш ҳам анча кўпайтирилди, меҳнат унумдорлиги кўтарилди, сарф-харажатлар камайтирилди, хўжаликларнинг даромади ошди, экономикаси мустаҳкамланди, колхозчиларнинг турмуш фаровонлиги юксалди. Колхозлар маҳсулотларни реализация қилишдан олган умумий даромад 2,8 миллиард сўм ёки планда белгиланганидан 370 миллион сўм кўп бўлди. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун қўпроқ маблағ ажратишга имконият яратилди.

Ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишларида бир йиллик меҳнатга якун ясалади, навбатдаги вазифалар белгилаб олинади. Бу йил республикадаги 849 колхозда 580 тасида ҳисобот-сайлов ва 269 тасида ҳисобот мажлислари ўтказилади. Хўжаликларнинг молия фаолиятини якунлашда бухгалтерия-экономика ходимлари зиммасига катта масъулият юклатилади. Ҳар бир хўжаликнинг кўп қиррали фаолияти ҳар томонлама таҳлилдан ўтказилиши, ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларнинг тақрорланишига йўл қўймаслик чоралари кўрилиши, энг муҳими, маҳсулотларни қўпайтириш масаласига жиддий эътибор берилиши керак.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида колхозчи-деҳқонларимиз 1980 йилда, умуман эса ўнинчи беш йилликда пахта тайёрлашда мисли кўрилмаган ғалабани қўлга киритдилар, колхоз ва совхоз сектори бўйича давлатга топширилган «оқ олтин» 6,2 миллион тоннадан ошиб кетди. Дон, пилла, сут, гўшт тўхум ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириш ҳам кескин кўпайтирилди. Ютуқлар бундан ҳам улканроқ бўлиши мумкин эди. Афсуски, анчагина колхозлар пахта, дон, сабзавот, гўшт, сут, тухум, мева, узум, картошка тайёрлаш планларини бажара олмади. Колхозчиларнинг мунтазам даромади ошмади. Колхозларнинг умумий йиғилишларида буннинг сабаблари очиб ташланиши, ўз бурчини ўтамаган кишилар, ташкилотчиликнинг юқори савияда бўлишини таъминламаган правление раҳбарлари, мутахассисларининг фаолияти таҳлил қилиниши лозим. Танқид ва ўзўзини танқид дўстона руҳда бўлиши, хўжаликнинг келажакдаги планларини бажаришга ёрдам бериши керак.

Умумий мажлисларда правление ва ревизия комиссияларининг фаолияти муҳокама қилинганда ошкоралик, ҳаққоний талабчанликка риоя қилиниши, асосий эътибор фойдаланилмай ётган резервларни ишга солиш йўли билан маҳсулотларни кўпайтириш, колхозлар экономикасини янада мустаҳкамлаш, колхозчиларнинг шахсий даромадларини кўпайтиришга қаратилиши зарур. Йиғилишлар ғоят ишчанлик руҳида ўтказилиши лозим.

Ҳар доим бўлганидек, бу галги ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам колхозчилар тўлиқ иштирок этишлари, кун тартибидаги масала муҳокамасида актив қатнашишлари, ўзларининг коллектив хўжаликларини юксалтиришга ёрдам берадиган амалий таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлашлари лозим. Правление ва назорат органлари фаолиятига баҳо беришда, правлениеларнинг янги составларини сайлашда демократия қоидаларига қатъий риоя қилиниши даркор.

Область ва район қишлоқ хўжалик органлари ердан, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан янада яхшироқ фойдаланиш, маҳсулотлар сорти ва сифатини яхшилаш, деҳқончилик ва чорвачиликни саноат негизида ривожлантириш, илғор технологияни жорий этишга қаратилган конкрет тадбирлар белгилашда колхозларга амалий ёрдам кўрсатишга даъват этилгандирлар. Нисбатан қолоқ колхозларни илғорлар даражасига кўтариш, экономикасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган махсус тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

Ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишлари олдидан бош бухгалтерлар, экономистлар, ревизия комиссияси раислари билан йиллик ҳисоботлар, ишлаб чиқариш-молия планлари тузиш, хўжаликларнинг мулкларини ревизия ва инвентаризация қилиш юзасидан маслаҳатлар бериладиган семинарлар ўтказилади. Колхозларнинг ташкилотлар, корхоналар ва шахсий кишилар билан муомилалари ечими масаласига алоҳида эътибор берилиши керак. Бу колхозларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш имкониятини беради. Колхозчиларнинг умумий йиғилишига колхозларга хизмат кўрсатувчи хўжаликлараро бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашсалар яхши бўлар эди.

Йиғилишларда даромадларни тўғри тақсимлаш, хусусан, меҳнат ҳақи фонди, бўлинмас фондга маблағ ажратишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Шуни айтиш керакки, кейинги йилларда айрим хўжаликларда ялпи даромаддан колхозчиларга ҳақ тўлаш фондига маблағ ажратишда камчиликларга йўл қўйиляпти, меҳнат унумдорлигини кўтариш масаласи биринчи даражали иш эканига ҳам аҳамият бериляпти. Айрим областларда бўлинмас фондга маблағ ажратиш камайтириб юбориляпти. Андижон, Фарғона, Хоразм областларининг колхозларида кўтариш воқеалар содир бўлганини айтиб ўтиш кифоядир. 1981 йилда бундай камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик, даромадларни тақсимлашда меҳнат унумдорлигини кўтариш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш масаласи биринчи ўринга қўйилмоғи даркор, айни кезда даромадларни колхозчилар меҳнатига тақсимлашни аниқ планлаштириш лозим.

Капитал маблағларни сарфлаш планида тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар, чорва моллари харид қилиш, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган объектлар қурилишини мавжуд маблағ ресурсларини тўла ҳисобга олган ҳолда планлаштириш керак. Бундан бошқача йўл тутиш мумкин эмас.

Ҳисобот, ҳисобот-сайлов йиғилишларини пухта тайёргарлик билан юқори савияда ўтказиш дала меҳнатчилари, фермалар ходимлари — ҳуллас, барча колхозчиларнинг коллектив хўжаликни бошқаришдаги активлиги ва масъулиятини оширади, планларнинг бажарилиши тақдири учун жавобгарлигини кучайтиради, меҳнат интизомини мустаҳкамлайди.

Барча колхозларда ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишларини намунали ўтказайлик!

М. АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари.

Пойтахт областининг Калинин районидаги «Хасково» совхози сут-товар фермаси аъзолари зарбдор 1980 йилни зарбдорларча якунлаш учун курашмоқдалар. Суратда: фермининг илғор сут соғувчилари Ш. Алимова ва Ф. Фахриевалар. Улар ўзларига бириктирилган 19 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4 минг литрдан сут соғиб олишга ҳаракат қилишяпти.

Е. Ботиров фотоси.

ТЕХНИКА РЕМОНТИ ҚИЗҒИН

Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозида баҳорги экиш кампаниясига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 2900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 32 центнер ўрнига 34,2 центнердан пахта хирмони кўтарган хўжалик миришкорлари келгуси йилда 35 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишаётир.

Совхоз механизаторлари Пискент районида биринчи бўлиб ноябрь ойининг дастлабки ўн кунлигида шудгорлашни муваффақиятли тамомлаган эдилар. Ҳозирда далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Ислом Алиев бошчилик қилаётган бригада аъзолари 30 та прицепли трактор билан ҳар куни далаларга 250—300 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб чиқараётир.

Совхоз марказий устахонасида ҳам иш қизғин. Ҳозиргача мавжуд 70 та сеялкадан 65 таси, 72 та культиватордан 67 таси, 72 та чопиқ тракторидан 65 таси сифатли ремонтдан чиқарилди. «ПГС-2,4» мосламалари, бороналар ҳам мавсумга шай.

БАХТ ЙЎЛИ

Илғор чорвадорлар ҳақида ҳикоялар

БЕШИГИ

Инсон боласи туғилиб-ўсган ер, аллалаб ардоқлаган она диёр унинг бахт бешигидир. Помуқ чўллари, рангбаранг ҳидли даштлар, бағри кенг яйловлар, бахмал ўтовлар Нурмамат Рустамов учун бахт бешиги бўлди. Шу бепоён даштлар бағрида унинг ўзи билан бирга бахти ҳам туғилди. Ялангтўш болалик чоғлари, навқирон йигитлик йилларя барханлар бағрида, қир-адирлар қучоғида шамолдек елиб-югуриб ўтди. У қарич ёшлигидан яйловлар қўйнида қўй боқди. Даштнинг иссиқ-совуқларига дош бериб кўникиб яшади. Қаҳратон қишлар, баҳор ёмғирлари, саратон селлари, куз шамолларя сиповидан ўтди. Мураккаб чўпон ҳаёти уни чин чорвадор қилиб етиштирди. Бутун умрини, ҳаётини чўлу биёбонларда ўтказган отасидан ўн ёшида чўпонлик таёғини қўлга олди. Бургут боласини ёшликдан парвозга шайлаганидек, ота ҳам ўғли Нурмаматни олис парвозларга ғўдайлик чоғлардан шайлади, тарбия қилди...

Йиллар ўтди. Оддий чўпон Нурмамат Рустамовни ферма мудири қилиб кўтаришди. У ер ерда ҳам ўзини кўрсатди, кейинчалик совхозда бош бухгалтер, наслчилик ишлари бўйича директор ўринбосари, партия ташкилоти секретари ва бошқа вазифаларда ишлади. Ва, ниҳоят, 1969 йилда у совхоз директорлигига тайинланди.

Рустамов совхозга раҳбар бўлгач, унда туб ўзгаришлар юз бера бошлади. Жамоат чорвачилиги тез суръатлар билан юксалди. Қўйлар сони 38 мингдан 125 минг бошга етди. Ўн йил ичида помуқликлар 600 минг дона қоракўл тери, 7 минг тонна гўшт, 2500 тонна жун ва бошқа маҳсулотлар давлатга етказиб беришди. 35 минг бош наслдор қўчқорлар қардош республикаларга ва социалистик мамлакатларга сотилди. Хўжаликда Самарқанд Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-текшириш институти олимлари билан ҳамкорликда қоракўл терининг «жакет» сорти яратилди. Бу иш учун институт илмий ходимларидан С. М. Будаковга, «Ўзбекистон» совхозининг бош чўпонлари Холхон Нуров, марҳум Чори Бегматов ва директор Нурмамат Рустамовга авторлик гувоҳномаси берилди.

Шу йиллар мобайнида қақроқ Помуқ чўлларига ҳам обиҳаёт келди. Ташна ерлар, яйловлар Аму сувидан қонди. Арпа, буғдой бошоқлари, бўлиқ бош тортди. Помуқликлар ҳовлиларида турли дарахтлар гуллади. Деҳқончиликка қўл урилди. «Ўзбекистон» наслчилик хўжалиги давлат наслчилик заводига айланди. Янги Баҳористон районининг маркази қилиб Помуқ қишлоғи танланди.

Ҳали Помуқ ерларида бундай ажойиб янгиликлар кўп бўлади. Қўш қаватли икки ўртоқ мактаб биноси, 500 ўринли шифохона, кўплаб турар жойлар ва шунга ўхшаш маданий-маиший объектлар — Помуқнинг бугунги жамоли. Қишлоқда четан деворли уйлар замонавий кошоналар билан алмашмоқда. Қишлоқдаги бу сифат ўзгаришларнинг бошида ишбоши бўлиб ажойиб ташкилотчи, толмас коммунист Нурмамат Рустамов турибди.

Қувончли зафарлар қучиш, унинг нашъу намосидан баҳраманд бўлиш помуқликларга эзгу одат бўлиб қолган. Улар ҳар йилни доимо юксак кўрсаткичлар билан якунлайдилар. Ўтган йил ҳам помуқликларга катта меҳнат нашидаси, шодлик олиб келди. Ҳар 100 бош қўйдан 150 тадан қўзи, 3,5 килограммдан жун олинди. Ватан «Ўзбекистон»лик қўйчивонлардан 700 тонна гўшт, 58 минг дона қоракўл тери қабул қилди. 60 минг бош қўзи ўстиришга қолдирилди. Бундан хўжалик 1 миллион сўмдан ортиқ даромад кўрди.

Наслчилик заводи ютуқларида республикада хизмат кўрсатган чорвадор Тўйли Нуриев, Исмоил Рамазонов, Чўлмурод Барноев, Нуркелди Жумаев сингари тажрибали қўйчивонларнинг ҳиссалари катта. Улар яйловларда — янтоғу шувоқзорларда, ўрмондек ўсган изену саксовулзорларда қишин-ёзин тонгни ҳам, шомни ҳам билмай меҳнат қилмоқдалар, чорва молларини меҳр билан парвариш этмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу чўпонлар ва уларнинг ҳамкасблари тўккан пешона терлари, чеккан заҳматлари зое кетмай, зафарлар кетидан зафарлар келмоқда.

Помуқлик қўйчивонлар бу йил ҳам яхши муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ҳар юз бош қўйдан 150 тадан қўзи олинди. Давлатга 550 тонна гўшт, 43 минг дона қоракўл тери етказиб берилди. Моллар учун 3 йиллик озуқа базаси жамғарилди.

Помуқликлар чорвачиликни янада равнақ топтириш чораларини кўришаётир. Бунинг учун улар бор резерв ва имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Келгуси йилда кўшимча 300 гектар майдонга ғалла. 250 гектар ерга беда экилади. 400 гектар майдонга саксовул, 300 гектар ерга изен уруғи сепилади. Бир нечта қишки ва ёзги кўтон, артезиан қудуқлар қурилади. 74 минг бош қўй, 154 минг гектар яйлов, 4 минг гектар изен ва саксовулзор, 500 гектар беда, 500 гектар ғалла ва бошқалар «Ўзбекистон» совхозининг бугунги бойлигидир. (Ўтган йили 51 минг бош қўй совхоздан Нишон район-ида ташкил этилган Ғафур Ғулом номли қоракўлчилик хўжалигига олиб берилди).

«Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи кўп йилладан буён қоракўлчиликнинг илмий марказн, лабораториясига айланиб қолган. Самарқанддаги Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-текшириш институтининг олимлари бу ерда актив илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Қоракўл терининг бутун дунёга машҳур «жакет» сортини яратган мутахассислар энди янги иш устида бош қотирмоқдалар. Илмий-тадқиқот ишларига қишлоқ хўжалик фанлари кандидати С. М. Будаков раҳбарлик қилаётир. Изланишлар яқин йиллар ичида самаралар берса, Помуқда яна қоракўл терининг янги сорти яратилса, ажаб эмас.

— Чўпонлик, — дейди директор, чорвадорлар ҳақида гап кетганда, — қийматли касб. Эл ухласа ҳам у ухламайди, она заминни кезиб, қадамлаб, унинг қалбига қулоқ солади. Ундан ҳеч ким эшитмаган сирли, сеҳрли товушларни тинглайди, қўшиқларни эшитади. Ўз тақдирини замин тақдири билан боғлайди.

Нурмамат ака моҳир раҳбар, толмас ташкилотчи, чин коммунист бўлиш билан бир вақтда онлада гамхўр ота, падарибузруквор, ўн фарзандинг мураббийси ҳамдир.

«Ўзбекистон» давлат наслчилик заводида қўй ортидан юриб, Нурмамат Рустамовдек обрў топганларнинг сони-кўп. Кўплаб чўпон-чўлиқлар ва уларнинг ҳамкасблари партия ва ҳукуматимизнинг олий нишонлари билан тақдирланган. Директорнинг ўзи эса, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени, шунингдек Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин, кумуш, бронза медалларига сазовор бўлган.

Нурмамат Рустамов 222-Баҳористон сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат этиб сайланган. У депутат сифатида ҳам халқ орасида шарафли ишлар қилмоқда. Помуқ қишлоғи янада обод бўлиши керак, дейди икки гапнинг бирида.

Ана, ўрта бўйли, ихчам гавдали, қирғий қовоқ, эллик ёшлардаги бир киши Помуқ чўллари, яйловлари бўйлаб кетмоқда. У машина ойнасидан атрофга боқади. Кўз олдида олис-олисларга қулоч отган ҳудудсиз яйлов, унда яйраб юрган қўй-қузилар. Чўпонларнинг «қурей-қурей»лари, қичқириқлар эшитилади. Бу киши навбатдаги иш, юмуш билан чорвадорлар ҳузурига шошаётган Нурмамат Рустамовдир.

И. АМИРҚУЛОВ,
Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» наслчилик заводи.

ЯНГИ ТАРМОҚ

КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида «Ихтисослаштирилмаган хўжаликларда ҳамда аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида чўчқа ғўнгги етиштириш имкониятларидан яхшироқ фойдаланилсин», — дейилади.

Чиноз районн чорвадорлари ҳам мўл-кўл гўшт етиштиришда чўчқачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Буни район чорвадорларининг 1981—1985 йилларга мўлжалланган тадбирларидаги фактлар ҳам кўрсатиб турибди. Унда ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб гўшт етиштиришни 4,8 минг тоннага етказиш, ҳар юз бош чўчқадан 2300 тадан чўчқа боласи олиш, чўчқа ва паррандалар сонини 1,6 баравар кўпайтириш режалари белгиланган.

Райондаги йирик ва сертармоқ «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида ўтган йили чўчқачилик тармоғи қайта тикланди.

Дастлабки муваффақият чакки бўлмади. Якунловчи йилдаёқ қабул пунктларига чўчқа гўшти етказиб берилди.

Шунингдек, райондаги Охунбоев номли, Энгельс номли колхозларда ҳам чўчқачиликка жиддий эътибор берилмоқда. Бу хўжаликларда ҳам янги тармоқни янада ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланаётир.

Т. ТЎҚЛИБОЕВ,
Тошкент области.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЭФИОПИЯДА СОВЕТ КЎРГАЗМАСИ

АДДИС-АБЕБА, 27 декабрь. (ТАСС). Эфиопия пойтахтида «Совет тасвирий санъатида спорт» номли бадиий кўргазманинг очилиши зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Москва, Ленинград, иттифоқдош республикалар рассомларининг асарлари кўргазма экспозициясига қўйилган.

Кўргазмадаги расмлар ҳар бир рассомнинг ўзига хос ижодий хусусиятларини очиб беради, график воситалар ва техникавий усуллардан фойдаланишнинг хусусиятларини билиш учун имконият туғдиради. Бу экспозицияларда тинчликка интилиш, ёш авлодни тарбиялаш каби социал жиҳатдан муҳим проблемалар ўз ифодасини топди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПАРИЖ. Франция Умуммеҳнат конфедерацияси Буюк Британиянинг Париждаги элчихонасига мактуб юборди. Мактубда инглиз маъмурлари Ольстерда инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузаётганликларни муносабати билан қатиқ норозилик изҳор этиладн.

ВАШИНГТОН. Америкадаги нуфузли жамоат ташкилоти бўлган ғарбий ярим шар ишлари билан шуғулланувчи кенгаш Сальвадор хунтаси авж олдирган жабр-зулм ва зўравонлик снёсатини кескин қоралади.

Баёнотда Америка маъмурнятининг Сальвадорга нисбатан тутган снёсати кескин қораланади ҳамда унга берилаётган иқтисодий ва ҳарбий ёрдам дарҳол тўхатилсин, деб талаб қилинади.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати олтинчи беш йилликда (1980—1985 йиллар) шимолий-шарқий районларни социал-иқтисодий ривожлантиришга эътиборни 3,4 миллиард рупия ажратди.

ТОКИО. Япония архипелагининг асосий ороли — Хонсюнинг шимолий районларида қалин қор ёғиб, кучли бўрон бўлди. Электр симлари узилди. 614 минг хонадон электрсиз, ўн минглаб уйлар газсиз қолди. Токио билан шимолий префектуралар ўртасидаги темир йўлларни қор уюмлари босганлиги сабабли 120 та пассажир поезди қатновн тўхтаб қолди. Маҳаллий авиация йўлларида ҳам 135 та рейс бекор қилинди. Хонсю оролининг шимолида Тинч океан соҳилларида балиқ овлаб юрган тўртта кема дом-даракснз йўқолди. (ТАСС).

ШОНЛИ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

СОФИЯ, 27 декабрь. (ТАСС). Кеча бу ерда Болгария давлатининг бўлажак 1300 йиллиги муносабати билан Болгария Компартияси Марказий Комитети, Давлат Кенгаши, Министрлар Совети, жамоат ташкилотлари раҳбар органларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда шонли юбилей муносабати билан болгар халқига мурожаатнома қабул қилинди ва БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков бошчилигидаги умумхалқ юбилей комитетининг составн маъқулланди. Комитетга партия ва давлат раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, меҳнат илғорлари, фан ва маданият арбоблари аъзо бўлдилар.

Мажлисда Т. Живков, БКП ва БХРнинг бошқа раҳбарлари иштирок этдилар.

Маданий ҳамкорлик

БРАЗЗАВИЛЬ, 27 декабрь. (ТАСС). СССР Ёзувчилар союзининг Л. В. Ночивалов бошчилигидаги делегацияси Конго Халқ Республикасига визит билан келган вақтда СССР Ёзувчилар союзи билан Конго санъат ходимлари миллий иттифоқи ўртасидаги ижодий ва маданий ҳамкорликнинг йўналишлари муҳокама қилинди.

Совет делегациясининг визити якунлари тўғрисида бу ерда эълон қилинган ахборотда айтилишича, томонлар ҳар икки мамлакатнинг ижодий ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим лойиҳасини қабул қилдилар. Бу битим 1981 йилда Москвада имзоланади.

Конго Халқ Республикасининг илмий-тадқиқотлар учун жавобгар бўлган маданият, спорт министри Ж. Б. Тати-Лутар СССР Ёзувчилар союзининг делегациясини қабул қилди.

ВАШИНГТОН ИЗМИДАН

ТОКИО, 27 декабрь. (ТАСС). Япония ташқи ишлар министри М. Ито мамлакатнинг ҳарбий харажатларини кескин равишда кўпайтиришга даъват этди. М. Ито бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаган нутқида «Қўшма Штатлар билан яхши муносабатларни сақлаб қолиш учун» шундай қилиш зарур, деб даъво қилди. 1981 молия йили учун мамлакат давлат бюджети лойиҳасида, деди М. Ито, ҳарбий ҳаражатларни 6,6 процент кўпайтириш мўлжалланган. Бу харажатлар «жуда ҳам кам» ва мамлакатнинг қуролли кучларини кўпайтириш борасида «Япония томонидан кўрилаётган тадбирлар самимий эканлиги»га Вашингтонни ишонтиролмайди.

Японияниг демократик жамоатчилиги мамлакатнинг милитарлаштирилишига қарши қатъий норозилик билдирмоқда ва ҳукумат АҚШнинг тазйиқи билан ҳарбий мақсадларга сарф қилишни планлаштираётган маблағлардан социал эҳтиёжлар учун фойдаланишни талаб этмоқда.

УГАНДА ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

Уганданинг ҳозирги тарихидаги янги босқич декабрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловидан кейин мураккаб снёсий ва иқтисодий вазиятда бошланмоқда. Сайловда аҳолининг кўпчилиги Уганда халқ конгресси партиясини ва унинг раҳбари М. Оботени қўллаб-қувватлади.

Овоз беришнинг бундай якунлари тасодифий эмас. Африканинг таниқли снёсий арбоби М. Оботе 1966 йилдан 1971 йилгача республика президенти, бундан аввал эса тўрт йил мобайнида ҳукумат бошлиғи бўлган эди. Мамлакат аҳолиси М. Оботе сиймосида снёсий барқарорлик кафолотини кўриб турибди. Африканинг шарқидаги шу кичик давлат саккиз йиллик ҳарбий диктатура ҳукмронлигидан ва шу ҳукмронлик даврида вужудга келган вайронгарчиликдан кейин айни тинчлик, барқарорлик ва миллий иноқликка жуда муҳтож бўлиб турганини айтиб ўтиш керак. Уганданинг қўшнилари ҳам барқарорликка муҳтождирлар, чунки мазкур региондаги ўз ҳарбий-стратегик ва иқтисодий позицияларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган империалистик доиралар снёсий беқарорликдан ва регионал жанжаллардан ҳали ҳам фойдаланиб келмоқдалар. Ҳозирги Угандага ҳаддан ташқари оғир мерос қолган. Товар маҳсулот берадиган қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши инқирозга учраб, пулнинг қадрсизланиши ҳаддан ташқари кучайиб, чайқов бозори экономиканинг энг муҳим қисмн бўлиб қолган эди. Қурроқчилик содир бўлган ғарбий Нил ва Карамоҳа районларида очарчилик ҳукм сурмоқда. Аҳволни эпақага келтириб олиш учун аҳолининг давлат ҳокимиятига ишончини қайтадан тиклаш, қабиланий адоватни, жиноятчиликни, порахўрликни ва турмушнинг ҳамма соҳаларидаги тартибсизликни тугатиш лозим.

Тинчликка ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишга интилаётган республика ташқаридан доимо аралашув хавфини назарда тутишга мажбур бўлмоқда. Халқаро реакция кучлари Угандадаги вазиятни нормаллаштириш жараёнини қийинлаштириш ва бунга тўсқинлик қилишга ҳар хил йўллар билан уринмоқдалар, ўзларининг «Бу ерда ички оппозицияни вужудга келтириш» режаларини яширмаяптилар «Уганда таймс» газетаси шу муносабат билан мамлакат ташқарисида махсус лагерлар тузилаётганини, бу лагерларда Угандага юбориладиган қўпорувчилар тайёрланаётганини хабар қилди.

Сўнгги кунларда Покистоннинг ҳукмрон доиралари

ҲАЛҚАРО ОБЗОР

Шу кунларда мамлакатда янги ҳукумат тузилди. Миллий Ассамблеянинг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Янги кабинетнинг дастлабки қадамлари унинг ўтмиш жароҳатларини тузатишга, мустақил экономикани вужудга келтиришга, аҳолининг ҳамма гражданлик ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга бел боғлаганидан далолат беради.

М. Оботе парламентда сўзлаган биринчи нутқида Шарқий Африкада яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш кераклигини айтди. Уганда яна демократик тараққиёт ва миллий тикланиш йўлига ўтмоқда, деди у. Иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун, деб уқтирди у, бутун халқ куч-ғайрат сарфлаши керак бўлади, ҳукумат эса миллий бирликка ва кенг халқ оммасининг мададига таяниш ниятини кўламоқда.

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМОҚДАЛАР

Покистон ҳарбий режими аслида АҚШ билан Хитойнинг шу райондаги манфаатларини амалга оширувчи гумаштага айланиб, мамлакатни милитарлаштириш йўлини давом эттириб, қўшни давлатлар билан муносабатларни тобора кескинлаштирмоқда. Покистон маъмурларининг Афғонистон Демократик Республикасига қарши қўпорувчилик ҳаракати ҳаммага маълум, энди эса Покистон-Ҳиндистон чегарасида ҳам тез-тез ивгоарликлар қилинмоқда.

Ҳиндистон халқига ишончсизлик ва адоват кайфиятини авж олдириш, шу мамлакат билан муносабатларни кескинликни кучайтириш мақсадида Ҳиндистонга қарши шовқин-суронли кампания бошлаб юборганликлари муносабати билан Ҳиндистон жамоатчилиги неча марталаб ташвиш билдирди. Ҳиндистонда чиқадиган «Стейтсмен» газетаси ғазаб билан бундай деб ёзди: генерал Зиёул Ҳақ ғўё Ҳиндистон Покистонга хавф солмоқда ва шу сабабли Покистон қуролланиши зарур бўлиб қолди, деб бутун дунёни ишонтиришга уринмоқда.

Покистон режими муҳолифлик ва ивгоарлик йўлига қатъий ўтиб олди. У БМТнинг Ҳинд океанини тинчлик зонаси деб эълон қилиш тўғрисидаги 1971 йил резолюцияси моҳиятини пучайтиришга уринмоқда, деди яқинда Ҳиндистон ташқи ишлар министри Нарасимха Рао. Бу позиция эса Америка Қўшма Штатларига қўл келмоқда, чунки у дунёнинг мана шу районидаги ўз қўшинларини зўр бериб кўпайтирмоқда ва Эрондаги шоҳ режими ағдариб ташланиши натижасида вужудга келган «вакуум»ни Покистон тўлдиришдан манфаатдор бўлиб турибди.

Кейинги вақтдаги бир қанча фактлар Покистоннинг Вашингтон ва Пекин манфаатлари йўлида жангарилик вазифаларини ўз зиммасига олаётганидан далолат беради. Покистон, деб ёзди Лондонда чиқадиган «Дейли телеграф» газетаси, Саудия Арабистонига иккита дивизия жўнатмоқда. Кейинги ойларда Покистонга Хитойдан тўртта ва Америкадан иккита делегация келиб кетди. Покистоннинг эски ҳарбий аэродромларини модернизация қилиш ишлари кучайтириб юборилди, 12 та янги ҳарбий ҳаво базаси қурилмоқда. Хитойдан кўп миқдордаги «Фанатань» қирувчи-бомбардимончи самолётларни ҳамда Америкадан ҳарбий вертолётлар ва «С-130» транспорт самолётларини харид қилиш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

Покистон АҚШдан «осмон-осмон», «осмон-ер» типидаги ракеталарни олиб турибди. Покистон территориясида Хитой қўшинларининг бўлинмалари жойлаштирилган. Ҳиндистоннинг Пресс эйша интернашнл агентлиги хабар қилишича, Хитой билан Покистон яқинда Карочи портидан ғарб томонда Хитойнинг ҳарбий денгиз базасини қуриш тўғрисида маҳфий битим имзолаганлар.

Ҳинд халқи, деб ёзади «Нэшнл геральд» газетаси, Покистон билан ҳозиргача уч марта уруш чиқарганнинг шоҳиди бўлди ва ҳар сафар биринчи ўқ овозлари Покистон томонидан эшитилди. Урушлар ички муаммоларни ҳам, халқаро муаммоларни ҳам ҳал қилиш мумкин эмаслигини Исломободдаги генераллар аллақачон уқиб олишлари керак.

В. КОРОЧАНЦЕВ,
Г. БАНКОВ.
(ТАСС).

Муҳлиса-80

ЎЗБЕКИСТОН МАҚТОВИ

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотн лауреатн.

Нью-Йоркда мендан бир зот,
Узоқ сал меровми,
«Ўзбек қайдай халқ!»
— деб қолди —
Тошкентинг, бу —
Москозми!..»
— Наҳот, — дедим, —
эсдан чиққан
Аму ва Сир дарёлар!
Инглизлар оз боргандми
Араб пахта, тиллолар!
Қитъангизни минг йил бурун
Бобом очган, биласиз.
Бугун ночук боришизни
Билмаганга оласиз!!
Азизим, мен бор тарихни
Чўтга солиб турмайман.
Шарт кесаман. Хаёлингда
Оқ қасрлар қурмайман.
Кўп қирғинлар кўрган ўзбек
Емон кўрар ўрушни.
Сал бўш қолса, дарров
бошлар
Уйми-қўргон қуришни.
Кўп ёз босгай—вайрон этган
Экин-тикин, қазувин.
Шаҳарларн, ёдгорларин,
Ҳатто тили, ёзувин.
Лекин ҳар гал ўнгланолди
Йитмай тарих қатида.

Демак ери асрар экан
Эл довруғни ёдида.
Киндик қони томган жойга
Ўзбек пайванд миллатдир.
Юртдан чиқса, бир кафт
тупроқ
Олиши зўр ҳикматдир.
У шоир халқ, аранлардан
Дуо кетган дейдилар.
Ҳам шоҳ, ҳам гадосига
Асар этган дейдилар.
Ишқилиб ўз шоирларин
Биладн ва суядн.
Ҳатто ўғил-қизларига
Исмларин қўяди.
У — бастакор.
«Шошмақом»да
Қанча орзу-армон жо.
Бирорта ҳам ҳарб қўшиғи
Тўқиган эмас аммо.
Макон тутган жойнин у
Бог қилмаса қўймайди.
Яқинидан сув ўтмаса,
Йўл тушмаса кўнмайди.
Жуда ёмон кўради у
Ур-йиқитни, навбатни.
Буни ўйлаб чиққанларга
Ёгдирадн лаънатни.
Тўй-базмга улоқчи от
Кабн бетинч, дуркун-да!

Умри бўйи йиққанини
Улашади бир кунда!
Сизнинг фермер пахта экса,
Икки тергач ташлайди.
У—чаноққа қор тўлгунча
Даласида қишлайди.
Баъзан дунё, сиёсатдан
Гап ҳам олиб қолар у.
Жамн оқ уй-кўк уйнигни
Битта қопга солар у.
Америка десанг бугун
Дунёянинг кўп жойида
Кўплар шошар эсдан чиқиб,
Миллат, ватан, қонда...
Америка — чиндан зўр жой,
Лекин сал-пал қайтаман.
Энди сенга халқимнинг энг
Зўр ҳикматин айтаман:
Шу пайтгача ҳалн ҳеч вақт,
Текшир олди-ортидан,
Америка деб
бирон ўзбек
Кечган эмас юртидан!

* * *

Қайси йил кўкламда — Жайҳун бўйида—
Идрок этиб турсам атроф оламни,
Оқ бу..ут ичидан чиқди вазминлаб,
Бир тўп ҳорғин турна
кўзлаб воҳамни.
Навбаҳорнинг содиқ бу элчилари,
Ойдин умид рамзи, қутлуғ бир туғён, —
Келарлар муқаддас, бузилмас сафда,
Узгарган бўлса ҳам не давру даврон.
Балки аввал жаҳон — олис замондан
Улар кўкка учган қанотли хабар;
Балки булутгилар, балки бошқаси, —
Ҳуллас пастладилар...
жой излаб магар...
Лекин Хоразмда бу дам иш қайноқ:
Йнгирманчи аср — шиддаткорона —
Қадим саҳроларга бошлаган ҳужум
Жайҳундан ҳам қолган фақат афсона...
Қани кумуш қўллар, дуддулин қирлар,
Ҳатто Увайс тоғи безовта, адо!!
Оқ қумлар қаерда, ер ибтидоси,
Даво гиёҳларга бой қадим дунё!!

Наҳот табиатнинг ўзидек қўҳна,
Борингки, ёввойи, кўркинч бурчаги
«Аввал шундай эди...» дейишга ёхуд
Қолмаса ернинг ўз улуши каби!!
Ана! Зил айлана чизиб турналар
Пастлардар... Тўқилар тупроққа парлар...
Йиқилманг!
Топурман кўзим тубидан
Сиз учун сафолн муқаддас ерлар...
Турналар!
Келинглар, елкамга қўнинг!
Қўлларимга қўнинг, бошим, кўксимга...
Не тоғлардан ошган ҳўл қанотингиз
Тарс-тарс урилсинлар юзим-кўзимга.
Қўнинг! Хадиқ олманг!
Кўксим зарблари
Эрка беланчакдир — нажот палласи.
Янги манзилларга руҳ берсин сизга
Хоразмнинг кўҳна, қазин алласи.
Ўзбеклар уй қурса, ҳар фарзандига
Албатта қолдирар атаб бир четин.
Эй, сиз, келажакнинг бунёдкорлари,
Турналарга озроқ жой ташлаб кетинг!

* * *

БИР ХОНТАХТА ТАРИХИ

Қўқонлик машҳур уста Қодиржон Ҳайдаров менга ёнғоқ дарахтидан нафис ўймакорий хонтахта ясаб бердилар. Лекин уни Қўқондан Тошкентга олиб келиш кўп мушкул иш бўлди. Фарғоналик дўстларимиз хунноб денг: самолётга, поездга, машинага ўзини солиб юборишга кўз қиймайди... Йигирманчи аср техникаси гўё халқ санъатининг шу битта намунасини олиб кетишга ожиздай...

Смлар, кнопкалар асрида уста
Улмас нақшларнинг азобин тортиб,
Ишлар, қотиб қолган қўллари бот-бот
Шаклдардан чанг ва резгини артиб...
Оддий бир хонтахта. Кекса устанинг
Кўз нури, кипригн ийган мўъжиза
Аталган жойнга боролмай сарсон,
Дўстлар ҳам етказиб боролмай изза.
Оддий бир хонтахта. Балки оний ҳис,
Лаҳзалик қаяжон ёғдуси. Буюм.
Шу қадар куттирдн мени,
ушланиб,
Келсаёқ нурларга тўлардай уйим.

Оддий бир хонтахта. Лекин ҳаёлда
Самарқанд, Бухоро, хивалар, котлар...
Ишлари, номлари ўтмишда, гоҳо
Ёруғ кўрмай ўтган зўр истеъдодлар...
Агар бор тарихи, бор инсонни
Халқим бирданига этса намоён,
Қандай рангин байрам бўлар эди бу,
Қандай сиғдирарди бағрига жаҳон!!
Ишлар, қотиб қолган қўллари бот-бот
Шаклардан чанг ва резгини артиб,
Симлар, кнопкалар асри—усталар—
Улмас нақшларнинг азобин тортиб.

* * *

Бухоро шавкатин саргардон ташлаб,
Афғонда қартайиб, кўр бўлган амир
Ўғилларин чорлаб:
«Жайҳун бўйига
Мени бир элтинглар...» — деди мунтазир.
Яна у айтдики: «Она дарёнинг
Сўнг бора туяйин шахтин, нафасин.
Эргаштириб келса зора тўлқинлар
Юртимдан бирон бир нарсанинг сасин...»
Тарихда,
бу чархи ўйинкор шоҳид—
Улоқ талаш бўлган Бухоро замин,
Қабул этдимкан қувғинда юрган
Сўнгги амирнинг сўнгги истагин!!
Неча вақт айш суриб тахти олийда,
Айланганин кўрмай даврон шиддаткор,

Салтанат тизгинин шамолга ташлаб
Қочган зотнинг юртдан не таъмайн бор!
Кечикиб бўлса ҳам кўрмоқчимн ё
Дарё қирғоғига жим қўниб бошни,
Тўлқинларнинг сийрак қобиғасидан
Халқнинг юрагини — улкан қўёшни!!
Лекин,
«Амир келди!» деса, дарёдан
Чиқмасмн кўк сари солиб оҳ-фарёд,
Ҳарамлар, зиндонлар, таъқиблар ҳасми—
Ҳуқуқсиз, бебаҳра, тўзгнган авлод!
Халқим! Тилсиз бардош ҳам умид билан
Кимнинн кўтарсанг тахти аълога,
Ҳали кўзларн кўр бўлмасдан бурун
Тавобга олиб бор Амударёга!

* * *

Олимлар айтарки, бир гулнн узсанг,
Бошқалари эслаб қолармлар аниқ.
Лекин фош этолмас қотилни улар,
Тилсиз тўлғанарлар, газабда, ёниб...
Эмиш бир ёғочни кессанг ўринсиз,
Бир кўлнн қуритсанг, кўмсанг бир жарни,
Тилн йўқ—бир нима деёлмас замин,
Лекин, эслаб қолар ҳар бир амалнн.
Олимлар айтарки, табиат ўзи
Набобат, махлуқот дунёсин, гоят —

Эркин бир меъёрда бору йўқ этар,
Четдан зуғум этмак сўзсиз жиноят.
Бугун арра, карбид, аэро билан
Не ишлар қилмаймиз ерга озорлик!
Биз-ку оғринмаймиз,
ер ҳам воҳ демас,
Лекин эил сукутда қоладн борлиқ.
Оҳ, ёмон сукут бу!
Ҳозир, бўл, одам!
Дилни алланенинг босар вақмаси:
Ҳимоятсиз кўриб хўрлаганларинг
Тилга кирмасайди бир кун ҳаммаси...

АЭРОБУС — ТОШКЕНТДА

Ўзбекистон пойтахти кенгфузеляж реактив лайнери—ИЛ-86 мунтазам қатнай бошлаган биринчи шаҳарлардан бўлиб қолди. 350 йўловчига мўлжалланган бу самолётнинг Москва — Тошкент — Москва трассаси бўйлаб қатнови йўлга қўйилди.

Бу аэробус яқингинада — декабрь ойи ўрталарида Тошкентга Внуково аэропортидан техник рейс билан учиб келган эди. Кечадан бошлаб у Москва билан Тошкент ўртасида ҳафтада уч маротаба қатнайдиган бўлди. Аэробус Тошкентдан тўғри Внуково аэропортига бориб қўнади, бу эса



йўловчилар учун яна бир қулайлик бўлди. Ватанимиз пойтахтигача уч ярим соат ичида учиб борилади. Самолёт соатига 950 километр тезлик билан ўн километр баландликда учади.

Суратда: ИЛ-86 Тошкентда.

В. Молгачев фотоси.

АХБОРОТ

АНДИЖОН

САЛОМАТЛИК ҚАСРЛАРИ

Хўжаобод районида 420 ўринли янги шифохона фойдаланиш учун қабул қилинди. Тўрт қаватли муҳташам бинонинг кенг ва ёруғ хоналари яхши жиҳозланди, беморлар учун қулай шарт-шаройтлар яратилди. Саломатлик қасри замонавий медицина асбобускуналари билан таъмин этилди. Бу ерда терапия, хирургия, болалар бўлимлари бор.

Марҳамат шаҳрида эса янги болалар шифохонаси очилди. Касалхонанинг кўркам биносини шу райондаги колхозлараро механизациялашган кўчма колонна коллективи бунёд этди.

МАМЛАКАТДА ТЎРТИНЧИ

Олтинкўл районидаги «1-Май» колхозида қурилаётган фабрика Москва, Фрунзе ва Уфа шаҳарларидан кейин қўён терисидан иссиқ кийимлар, ҳусусан телпак тайёрлайдиган тўртинчи саноат корхонаси бўлиб қолади. Фабрикага хом ашёни асосан шу хўжаликнинг ўзи етказиб беради.

ЕШ РАССОМНИНГ ШУҲРАТИ

Ангела Исҳоқованинг номи Андижон областида санъат мухлисларига яхши таниш: Унинг мозаика билан ишланган панноларн «Баҳт» насос станциясини, «Қирғизистон» универмагини безаб турибди. «Қушлар баҳти» асари ҳам рассомнинг энг яхши ишларидан биридир. Ангела яратган асарлар Тошкентда, Москвада, ҳатто чет элларда ҳам намойиш қилинган. Ангела Исҳоқованинг хизматлари муносиб тақдирланди, у Андижон область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КУЛОЛЧИЛИК ШУҲРАТИ СЎНМАСИН

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИНИСТРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

Жиззахда кулолларнинг катта отряди мавжуд. Худойназар Холиқов, Ашир Ҳайдаров, Аҳмадназар Имомов, Ғанижон Рошнев, Ҳазратқул Одилов, Мелибой Мўминов ва бошқа кўплаб кулоллар—лаганчи, косагар, кўзагар ва тандирчилар авлодининг вакиллари ҳисобланишади. Кекса кулоллардан бири Қобилжон Мўминов ўзининг 45 йиллик умрини кулолчиликка бағишлаган. Отадан 9 ёшида етим қолган Қобилжон кулолчилик ҳунарини амакиси Носир кулолдан ўрганади. 1936 йилиёқ отадан мерос қолган дўкони билан «Большевик» артелига аъзо бўлиб киради. Кўзагарликдан тортиб тандирчилик, лаганчилик, косагарлик ва бошқа касблар бўйича ўз маҳоратини оширади. Ўймакорлик ва гул солиш бўйича шогирдлар тайёрлади.

— Тажриба ва илм ўсаётганлиги туфайли бу соҳадаги кўпгина муаммолар ҳал бўлмоқда, — дейди у. — Қорамтир, донадор ҳамда сариқ қатламли, кулоллар тили билан айтганда, кулолчилик учун зарур бўладиган ширали тупроқлар ҳозирги кунда Қийли массивидан ташилмайди. «Коммунизм» совхозининг Гўртепа ва Олмачи қишлоқларидаги текис ерлар бундай тупроққа кон экани аниқланди. Бўёқ ва сирга ишлатиладиган оққум ва темир ёки мис кукунлари эса заводлар чиқиндисидан истаганча топилади.

Яқинда Жиззахда кулолларни қувонтирадиган воқеа рўй берди. Пилига 350 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган керамика заводи қуриб ишга туширилди. Республика Маҳаллий саноат министрлиги ташаббуси билан қурилган бу заводда янги беш йилликнинг биринчи йилида 85 минг сўмлик сопол буюмлар, сирланган хумчалар, лаган, нафис офтобача, гултувак сингари ўн бир хил маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

— Лекин ота-боболаримиз давридагидек қизил лаганлар ясалмаётгани бизни ташвишлантиради, — дейди Қобилжон ота.— Кулолчилик буюмларининг энг ноёб тури ҳисобланган бундай лаганлар Қарноб чўлидан келтириладиган шўрхок тупроқдан ясаларди. Бу тупроқдан бўёқ ўрнида ҳам фойдаланиларди: Тандир ҳам ана шу тупроқдан қилинарди. Бундай тандирларнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Отахон ҳақ гапни айтди. Баъзан чўлда асбест қувурларидан ясалган «кўлбола» тандирларни учратамиз. Кулолчилик цехларининг Жиззахдан бошқа районларда йўқлиги, мавжудларининг эса унумсиз ишлаши чўлқуварларни қийнамоқда. Шу йил сентябрь ойида Жиззахдаги учта кулолчилик цехи аҳолига минг сўмлик ўрнига 100 сўмлик, яъни 10 процент миқдорида хизмат кўрсатди. Бу кўпол қилиб айтганда ҳар бир кулолчилик цехи бир ойда биттадан тандир сотди деган гап. Бошқача қилиб айтганда, бу цехлар қуввати ўтган йилгидан уч баравар камайди. Областда аҳоли жон бошига кулолчилик маҳсулоти сотиш 0,06 процентга тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич ҳам ўтган йилгидан анча кам. Айниқса ёз ойларида сопол буюмларга бўлган талаб анча ошади. Лекин аҳолининг сопол буюмларга бўлган талаби қондирилаётгани йўқ.

Халқ ҳунармандчилигининг шуҳрати сўнмасин. Айни пайтда кулолчилик чакана касбга ҳам айланмаслиги керак.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

ШАШКА:

БИРИНЧИ ЧЕМПИОН

Гродно шаҳрида бир неча кун давом этган мамлакат чемпионати мусобақалари якунланди. Дона суриш баҳсида самарқандлик моҳир шашкачи Марк Фозилов билан киевлик М. Рахуновлар учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказдилар. Ҳар иккала шашкачи қимматли очколарни кўлга киритиб, имкониятни бой бермасликка ҳаракат қилишди. Натижада улар 17 имкониятдан 12 очко тўплаб, чемпионлик олтин медалларини олишга муяссар бўлдилар. М. Фозилов Ўзбекистонда спортнинг мазкур тури бўйича биринчи марта чемпион номига сазовор бўлиши билан бирга, илк бор гроссмейстерлик баллини тўплашга ҳам эришди.

ВОЛЕЙБОЛ:

ҚИММАТЛИ ОЧКОЛАР

Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексида эркаклар олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг дастлабки давра ўйинлари давом этмоқда. 6 команда ўртасида бугунгача 3 тадан учрашув бўлиб ўтди. Мастерлар группасида ўзининг дастлабки мавсумини муваффақиятли ўтказишга ҳаракат қилаётган тошкентлик динамочилар мухлисларни мамнун этмоқдалар. Вакилларимиз Москва олий техника ўқув юрти (3:2) ҳамда «Уралэнергомаш» (3:1) командаларидан устун келиб, қимматли очколарни қўлга киритдилар. Кучли коллективлардан ҳисобланган «Автомобилист» (Ленинград) волейболчилари билан учрашувда эса (0:3) имкониятни бой беришга тўғри келди. Ҳозир ленинградлик волейболчилар пешқадам бўлиб туришибди.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

△ СУВ ТУПИ. Тошкентдаги Митрофанов номли сув спорти саройида олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионати баҳслари давом этмоқда. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси Тбилиси динамочилари (5:4), Олмаота динамочилари (5:6) ва Минск жисмоний тарбия институти талабалари (9:7) билан учрашди.

△ КУРАШ. Хельсинкида классик кураш бўйича халқаро турнир ўтказилди. 76 спортчи иштирок этган бу мусобақада тошкентлик Ш. Фатқулин 57 килограмм вазнли полвонлар орасида муваффақият қозонди.

△ ШАХМАТ. Италиянинг Мерано шаҳрида жаҳон чемпионлигига даъвогарлар Хюбнер (ГФР) ва Корчной ўртасида финал ўйинлари давом этмоқда. Ҳозир Хюбнер 2,5:1,5 ҳисобида олдинда бормоқда.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XX СЪЕЗДИ ШАРАФИГА БАҒИШЛАБ

1981 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАН 20 ЯНВАРГАЧА

ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТДА, РЕСПУБЛИКАМИЗ ОБЛАСТЛАРИДА ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРда

марказий ва қардош республикалар студияларида яратилган



ФИЛЬМЛАР ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА: съезддан съездгача бўлган вақт ичида яратилган энг яхши бадиий ва ҳужжатли фильмлар, «ЗАМИН ҮҒЛОНИ» («Райком секретари»), «ГЕНЕРАЛ ШУБНИКОВ КОРПУСИ», «ФАВҚУЛОДДА ТОПШИРИҚ ОЛГАН ПОЕЗД», «ЭКИПАЖ», «РОССИЯНИНГ ОҚ ҚОРЛАРИ» сингари фильмларнинг премьералари.

ФЕСТИВАЛЬ ФИЛЬМЛАРИ КЎРИГИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТАШКИЛОТЛАР, ҚОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Янги 1981 йил яқинлашмоқда. Янги йилда арча байрамлари карнавраллар ўтказилади.

Янги йил арчаси ўрнатишда ёнғиндан муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этишни унутманг.

Ёнғиндан муҳофаза қилиш қоидаларининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш мактаблар, болалар богчалари, клублар ва пионерлар саройлари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Коллектив учун арчани бинонинг биринчи ва иккинчи қаватида, иккита чиқиш эшиги бўлган залларда ўрнатиш мумкин.

Арча гилам, палос, поёндозлар йиғиб олинган зал ўртасига ўрнатилади. Арчани фақат 24 вольтдан кучли бўлмаган электр чироқлар билан ёритиш мумкин.

Арчани безатишда фақат заводда тайёрланган лампочкалар шодасидан фойдаланиш мумкин. Арчани целлюлоид ўйинчоқлар, пахта, тез ўт олувчи нарсалар билан ясатиш мумкин эмас.

Тантана бошланишидан олдин ёритгичларнинг соэлигини, ўт ўчириш воситалари мавжудлигини текшириб кўриш керак.

Ўт ўчириш командаси ёки кўнгилли ўт ўчириш дружиналари телефон номерлари эълнган тахтачаларни кўзга кўринарли жойга осиб қўйиш керак.

Эшик томон бориладиган йўл бўш, эшик эса осон очиладиган бўлиши лозим.

Арча байрами ёки карнавал ўтказишда бенгаль олови ёки хлопушкалардан фойдаланиш мумкин эмас. Тантана қатнашчилари кийган карнавал костюмларига ўтдан ҳимоя қиладиган махсус аралашма билан ишлов берилиши зарур.

Пахта ва карнавал костюмларига ўт олмайдиган қилиб ишлов берадиган химикатлар ва қўлланмалар «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» магазинларидан харид қилиниши мумкин.

Пахта ва карнавал костюмлари ўт олмайдиган қилиб ишлов берилгандан сўнг ҳуснини йўқотмайди ва ёнмайди. Ишлов берилган костюмни қрахмаллаш ва дазмолдаш мумкин.

Бу қоидалар алоҳида уйлар ва квартираларда ўрнатилган арчалар ва оилавий ўтказиладиган арча байрамлари учун ҳам тааллуқлидир.

БОЛАЛАРНИ АРЧА ЁНИДА ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРМАНГ!

Ёнғиндан муҳофаза қилиш қоидаларини доимо эсда тутинг!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ.

В. В. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: Тошкент сиртқи факультетида — ижтимоий фанлар;

кафедра катта ўқитувчилари: олий математика (Фрунзе ўқув-консультация комбинатида ишлаш учун), савдо иқтисоди;

кафедра доценти: сиёсий иқтисод;

кафедра ассистентлари: умумий инженерлик фанлари, орг. техника (2 ўрин).

Конкурс муддати — 19 янв. варгача.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Самарқанд шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/XII да Нодирабегим (12.00), Абу Райҳон Беруний (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Наталья РУБАНОВА раҳбарлигидаги «ИЛЛЮЗИОН КАЛЕЙДОСКОП» аттракционн иштирокида «Цирда арча» янги йил томошалари (10, 13, 16, 19.30).

Тошкент Политехника институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари институт босмахонасининг директори М. Ҳ. Ҳасановга опаси

Ойгилос ҲАСАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Тавакалчилик стратегияси. Бадиий фильм. 3-серия. 15.40— Ҳужжатли фильм. 16.10 — Мультфильм. 16.20 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.30 — Концерт. 18.30 — Халқаро панорама. 19.30 — Концерт. 19.40 — Чин қалбдан. 21.30 — Время. 22.05 — Москва Олимпиадасининг юлдузлари. 22.35 — Футбол шарҳи. 23.20 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Олтинчи республика пианистлар конкурси, дипломантлари ва лауреатларининг якунловчи концерти. 10.50 — Светофор. 11.50 — Мультфильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Тинибтинчимаган қарнлар. Бадиий фильм. 14.30 — Шахмат мактаби. 15.00 — Инсон ва қонун. 15.30 — Реклама. 18.20 — Мультфильмлар. 19.00 — Ўйлаб топ. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Санъатқор оила. 20.30 — Ахборот. 20.50— Санъатқор оила эшиттиришининг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Қишлоқ масъулиятли давр. 22.25 — Учрашувлар ва айрилишлар. Бадиий фильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

29 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Маша ва Бятянинг янги йил саргузаштлари. Бадиий фильм. 11.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.40 — Ҳужжатли фильм. 13.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Онамларнинг мактаби. 16.25 — Концерт. 16.55 — Фан оламида. 17.40 —Ешлар адреслари. 18.40 —Ёқутистон кунда. лигидан. 19.10 — Мультфильм. 19.30 — Фильм-концерт. 19.45 — КПСС XXVI съезди шарафига. 21.30 — Время. 22.05 — Театр ўрашувлари. 23.35 — Дунё воқеалари.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

17.50 — Мультфильм. 17.55— Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 18.25 — Совётский воин. 19.00 — Тошкент янги йил арафасида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Карвонбошилар. 20.05 — Янги йил мушоираси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳуррият Исроилова куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.00 — Волейбол бўйича эркаклар командалари ўртасида СССР чемпионати.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Болалар учун фильмлар. 21.00 — Енгиндан эҳтиёт бўлинг. 21.30 — Привалов миллионлари. Бадиий фильм. 1-серия.

РАДИО

28 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.15 — Тамбассум. 11.30 — Қ. Юсупов куйлайди. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Бойсунтог баҳодири. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 15.40 — Театр микрофон олдида. 18.15 —Сув полоси бўйича СССР чемпионати. 19.25 — Эстрада концерти. 20.15 — Чолғу куйлари. 21.00 — Қишлоқ радиоклуби. 22.30 — Ўзбекистон санъат устаналарининг концерти. 23.15 — Нодира лирикаси.

29 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Съезддан-съездгача. 9.35 — Партияни шарафлаймиз. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Якун ва режалар. 14.00 — КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини муҳокама қиламиз. 18.15 — Кооператорлар янги марраларни кўзламоқдалар. 18.25 — Ешлик. 19.25 — Ғижжакда Ш. Ғуломов чалади. 21.00 — Тенг ҳуқуқли республикалар иттифоқи. 21.10 — Адабий ўқиш. Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романидан парчани Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳ. Ўмаров ўқийди. 21.30 — Қишлоқ механизаторлари учун концерт. 22.30 — С. Абдулла шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, 33-72-83, 32-53-06; ЎЗЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, маркснзм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси.

Редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-34-18, 32-53-97, 32-57-19, маркснзм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси.

Р. 02464. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 296. 5